

# СОЛИҚ ва ХАБАРЛАРИ БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 44 (1368) • 2020 йил 3 ноябрь

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОНДА

**ИККИ ИМТИЁЗДАН БИР ВАҚТДА ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН**

Фойда солигининг ҳам ноль даражаси, ҳам пасайтирилган ставкасини қўллаш шартлари

2-бет

Кўчмас мулкни сотишдан олинган даромаднинг солиқ оқибатлари

3-бет

Доимий муассаса бухгалтерия ҳисобини юритиши лозими?

4-бет

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

5-10-бетлар

ҚҚС имтиёздан фойдаланиш учун нима қилайлик?

12-бет

Ноябрь учун солиқ тўловчининг тақвими

13-бет

**Божхона почтаси: қайси режимга жойлаштириш, боғхона қийматини белгилаш, хорижий мамлакат сертификатларини тан олиш ва бошқалар хусусида**

14-15-бетлар

Пақ-пуқ кимнинг кўнглига сиғаяпти?

16-бет

## ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

### БАЗАВИЙ ҲИСОБЛАШ МИҚДОРНИ ҚЎЛЛАШ СОҲАСИ КЕНГАЙТИРИЛДИ

Президентнинг 27.10.2020 йилдаги ПФ-6094-сон Фармони билан айрим ҳужжатларга базавий ҳисоблаш миқдорини қўллаш соҳасини кенгайтирувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

#### БХМ яна қаерда қўлланилади

Эслатиб ўтамиз, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб энг кам иш ҳақи (ЭКИХ) ўрнига МҲЭKM, базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ) ва пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори (ПХБМ) амал қилмоқда (21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармон). Шу муносабат билан қонунлар ва айрим қонуности ҳужжатларидаги атамаларга тузатишлар киритилди (3.12.2019 йилдаги ЎРҚ-586-сон Қонун; 14.12.2019 йилдаги ПФ-5894-сон Фармон).

Энди қўшимча равишда аниқлаштирилишича, БХМ қуйидагиларни ҳисоблаб чиқаришда ҳам қўлланилади:

- давлат мукофотлари (шу жумладан, мукофот пуллари), идоравий мукофотлар, жумладан унвонлар, эсдалик ва кўрак нишонлари учун назарда тутилган мукофотлар миқдорларини;
- озиқ-овқат ва йўлқира учун харажатлар қийматини қоплаш ва шу каби



айрим компенсацияларни (ПФ-5723-сон Фармон 2-б. «б» кичик банди).

Хусусан, энди қуйидагиларга БХМга қаррали миқдорда компенсациялар тўланади:

- қуйидагиларга турар жой хизмати бўйича коммунал ва бошқа кўрсатилган хизматлар тўлови учун – ҳар ярим йилда бир марта БХМнинг 3 баравари миқдорда пул компенсацияси тўлови учун;
- терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ИИО ходимларига;
- қарамоғида терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда

жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ИИОлари ходимларининг вояга етмаган фарзандлари бўлган шахсларга (26.02.2019 йилдаги ПҚ-4212-сон, 7-б.)

б) ободонлаштириш бўлинмалари ходимларининг озиқ-овқати учун – БХМнинг 1 баравари (4.06.2019 йилдаги ПҚ-4351-сон, 5-б. «б» кичик банди).

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 27.10.2020 йилдан кучга кирди.**

Олег ЗАМАНОВ,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

## ✓ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАСИ

### БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИДА НИМАЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНМОҚДА

Молия вазирлиги томонидан «Бюджет жараёни тақомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ҚХТБТ порталида жойлаштирилди.

Хусусан, МЖТКни 175-7-модда билан тўлдириш режалаштирилмоқда, унга кўра бюджет жараёнининг шаффофлигини таъминлаш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга БХМнинг 2 баравари миқдорда жарима солинади. Бюджет жараёнининг шаффофлигини таъминлаш устидан назорат қилиш Ўзбекистон Ҳисоб палатаси зиммасига юкланади.


Бюджет кодексига Қорақалпоғистон Жўкорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашига берилган ваколатларга тааллуқли моддаларга ўзгартиришлар киритилади. Хусусан, улар Қорақалпо-

ғистон бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини тасдиқлайди.

29-моддага Молия вазирлиги ваколатларига тааллуқли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш режалаштирилмоқда. Улар ўрта муддатли бюджетни тайёрлаш босқичларини, бюджет сўрови услубиятидан фойдаланиши ва Халқаро Валюта Жамғармасининг бошқа тавсияларини амалга ошириши тартибга солади.

Солиқ кодексига мувофиқ янги тахририда Давлат ва маҳаллий бюджетлар улар ҳисобидан шакллантирилган солиқлар турлари аниқлаштирилган.

Ўрта муддатли давр учун фискал стратегия қабул қилиниши муносабати билан Бюджет кодексига янги бюджет тақвими киритилмоқда, бюджет



сўровларини тақдим этиш муддатларига ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бошқа ўзгартиришлар ва қўшимчалар ҳам назарда тутилган.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимчалар киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Лола АБДУАЗИМОВА.

## ИККИ ИМТИЁЗДАН БИР ВАҚТДА ҚАНДАЙ ФЙДАЛАНИШ МУМКИН



Ташкилот тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаради ва уларни маҳаллий бозорда ва экспортга реализация қилади. У экспорт фаолияти бўйича фойда солигининг ноль даражали ставкаси, қолган фойда бўйича эса – икки баравар пайтирилган солиқ ставкасини қўллашга ҳақлими? *Vixgaher.uz* ушбу имтиёзларни қандай қилиб бир вақтда қўллашни тушунтириб беришни ДСҚ мутахассиси Назоқат ХОЛМАТОВАдан илтимос қилди.

### Фойда солигининг ноль даражали ставкасини қўллаш шартлари

– Фойда солиғи тўловчилар товарларни (хизматларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойдага нисбатан 0% миқдордаги ставкани қўллашга ҳақли, башарти бир вақтда қуйидаги шартлар бажарилса:

- экспорт қилишдан олинган даромадлар жами даромаднинг 15%идан ошса;
- товарларни чет эл валютасида экспорт қилиш юзасидан даромадлар товарлар (хизматлар) экспорт

режимига чиқарилган кундан эътиборан 180 календарь кун ичида келиб тушган тақдирда.

- товарлар (хизматлар) экспорти хужжатлар билан тасдиқланган (СК 261, 337-моддалари).

Агар ташкилот ноль даражали ставкани қўллаган бўлса, бироқ тўлов 180 календарь кун ичида келиб тушмаган бўлса, кўрсатилган ставка қўлланилган давр ичида аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш зарур.



Ноль даражали ставкани қўллаш қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- рўйхати Президентнинг қарори билан тасдиқланган хом ашё товарлар экспортига;
- халқаро ташишлар хизматлари, бундан автотранспортда ташишлар мустасно;
- товарларни қувурлар орқали ва газ қувурлари орқали ташиш бўйича хизматларга.

### Фойда солигининг пайтирилган ставкасини қўллаш шартлари

Ҳисобот даври якунлари бўйича тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришдан олинган фойдага ноль улуши умумий реализация ҳажмининг камида 60%ини ташкил этадиган шундай буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ташкилотлар 2021 йилнинг

1 январига қадар фойда солиғи тўлашдан озоқ қилинган. Кўрсатилган имтиёз унинг амал қилиш муддати тугагунга қадар амал қилади (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонуннинг 4-м.; 20.04.2017 йилдаги ПҚ-2911-сон қарорнинг 2-б.).

Имтиёз фақат фойда солиғи бўйича ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг амал қилиш даврида тақдим этилганилиги боис, ташкилот фойда солигини имтиёзлар амал қилиш муддати тугагунча 2 баравар пайтирилган ставкада тў-

лайди (29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сон қарорга 7-иловага изоҳ; 26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 4-б.).

Фойда солигининг 15% ставкасида қонун ҳужжатларига асосан ташкилот 7,5% (15% / 2) ставкани қўллашга ҳақли.

### Қандай қилиб ноль даражали ставка ва 7,5% ставкани бир вақтда қўллаш мумкин

Ўзбекистоннинг қонунлари қонуний ҳужжатлардир, Президентнинг фармонлари ва қарорлари – қонунности ҳужжатлар. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда, юқори юридик кучга эга бўлган НХХ қўлланилади («Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 6, 16-моддалари).

Шу боис тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва юқорида айтиб ўтилган шартларга тўғри келадиган ташкилотлар фойда солиғи бўйича қуйидаги ставкаларни бир вақтда қўллашга ҳақли:

0% – товарларни (хизматларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойда бўйича;

7,5% – фойданинг қолган қисми бўйича.

Солиқ қонунчилигига риоя қилиш мақсадида солиқ тўловчилар мутаносиб усул ёки тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усулини қўллаган ҳолда ҳар бир фаолият тури бўйича даромадлар ва харажатларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишлари шарт. Танланган усулни солиқ солиш мақсади учун ҳисоб сиёсатида акс эттиринг (СК 77, 80-моддалари).

### МИСОЛ. Даромадлар ва харажатларни тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули

Ташкилот тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва маҳаллий бозорда уларни реализация қилади.

У даромадлар ва харажатларни тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усулини қўллади.

2020 йил учун қорхона бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

(минг сўм)

Жами даромадга қўшилган даромад тури	Даромадлар суммаси	Реализация қилинган маҳсулот таннархи ва тегишли фаолият тури билан боғлиқ бошқа чегираладиган харажатлар	Умумий чегираладиган харажатлар*	Солиқ базаси	Солиқ ставкаси (% да)	Солиқ суммаси
1	2	3	4	5 (2-3-4)	6	7 (5 x 6)
Тиббиёт буюмларини маҳаллий бозорда реализация қилиш (жами даромаднинг 70%)	1 260	960	140	160	7,5%	12
Тиббиёт буюмларини экспортга реализация қилиш (жами даромаднинг 30%)	540	390	60	90	0%	0
<b>Жами:</b>	<b>1 800</b>	<b>1 350</b>	<b>200</b>	<b>250</b>		<b>12</b>

\*Аниқ фаолият турига киритиш имкони бўлмаган чегираладиган харажатларни реализациядан олинган тушумнинг умумий суммасида тегишли фаолиятдан олинган тушум улчишга мутаносиб равишда тақсимлаш зарур.

### УШБУ СОНДА:

#### • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Базавий ҳисоблаш миқдорини қўллаш соҳаси кенгайтирилди

1-бет

#### • НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАСИ

– Бюджет жараёнида нималарни ўзгартириш таклиф қилинмоқда

1-бет

#### • МУТАХАССИС ТУШУНТИРАДИ

– Икки имтиёздан бир вақтда қандай фойдаланиш мумкин

2-бет

#### • СОЛИҚ СОЛИШ

– Ходимга товарларни бепул бериш ва ҚҚС

– Жисмоний шахснинг қўчмас мулкни сотишдан олинган даромад

– Бевага моддий ёрдам

– Ҳисоб юритиш шарт

– Норезидент учун қўчмас мулкка бўлган мулкчилик ҳуқуқи

#### • ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари:

– «Давлат иштирокидаги қорхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»;

– «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»;

– «Яширин иқтисодийтни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида».

2020 йилнинг III чорагида «Солиқ ва боғхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати

5-10-бетлар

#### • АМАЛИЙ ТАКЛИФ

– Оммавий оферта

11-12-бетлар

#### • ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– Қурилиш асосий фаолият тури бўлмаганда

– Товарларни ҚҚСсиз реализация қилиш

12-бет

#### • СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР

– Солиқ тўловчининг тақвими

13-бет

#### • БОЖХОНА

– Вақтинча олиб чиқишга расмийлаштириш

– Рақамли боғхона ва интеграция

– Резспорт чоғида боғхона қиймати

– Мувофиқлик сертификатларини тан олиш хусусида

– Пак-пук яна бошландими

– Блокаторлар йўлига ғов бўлиб...

14-16-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

## ХОДИМГА ТОВАРЛАРНИ БЕПУЛ БЕРИШ ВА ҚҚС

Амалиётда кўпинча корхона ўз ходимларига ТМҚ беради ёки уларга бепул хизмат кўрсатади. Бундай вазиятда ҚҚС бўйича солиқ оқибатлари юзага келадими?

Товарларни (хизматларни) бундай тарзда беришни қандай қилиб тўғри расмийлаштиришни [buxgalter.uz](http://buxgalter.uz) илтимосига биноан «Norma» компаниясининг эксперти Ирина АХМЕТОВА тушунтирди.

– Агар сиз жисмоний шахсларга, шу жумладан – ўз ходимларингизга бепул товарлар берсангиз ёки хизмат кўрсатсангиз, берилаётган товарларнинг (хизмат-

ларнинг) бозор қийматидан келиб чиқиб ҚҚС ҳисобланг. Беришни ҳада шартномаси ва ҳисобварақ-фактура билан расмийлаштиринг.



**Жисмоний шахс учун бепул олинган товар ёки хизмат – бу ЖШДС солинадиган моддий наф тарзидаги даромаддир. Жисмоний шахснинг даромади товарнинг сотиб олиш нархидан ёки хизматнинг таннарихидан келиб чиққан ҳолда аниқланади ва ушбу қийматга тўғри келадиган ҚҚС суммасини ўз ичига олади (СК 376-м. 1-қ. 2-б., 2 ва 3-қисмлари).**

### МИСОЛ

ҚҚС тўловчиси бўлган ишлаб чиқариш корхонаси ходимга таннарихи 1 000 минг сўм бўлган ўз маҳсулотини бепул беради. Маҳсулотни реализация қилиш қиймати ҚҚСсиз нархномага асосан – 1 600 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисобида ходимга маҳсулотни бепул беришни бундай акс эттиринг:

Ҳўсалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Сўётлар корреспондентияси	
		дебет	кредит
Берилган маҳсулотнинг таннарихи ҳисобдан чиқарилди	1 000	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»
Бепул беришда маҳсулотни реализация қилиш қийматидан келиб чиққан ҳолда ҚҚС ҳисобланди (1 600 x 15%)	240	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС)»
Маҳсулотнинг таннарихидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган ҚҚСни ишбатга олган ҳолда моддий наф тарзидаги даромад ҳисобланди (1 000 x 1,15)	1 150	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	6740-«Моддий наф тарзидаги даромадлар» 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Ходимнинг иш ҳақидан моддий наф тарзидаги даромаддан ҳисобланган ЖШДС ушлаб қолинди (1 150 x 12%)	138	6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашчилар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ЖШДС)»
Бепул беришдан кўрилган зарар акс эттирилди (1 150 – 1 000 – 240)	90	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Бир томонлама тартибда ЭХФ расмийлаштиринг (Низом, 14.08.2020 йилдаги 489-сон ВМҚга 2-илова).

ҚҚС (АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) бўйича ҳисоб-ботда операцияни бундай акс эттиринг:

• ҳисобварақ-фактуранинг маълумотлари ЭХФ

тизимдан автоматик тарзда Харидлар реестрига (ҚҚС ҳисоб-китобига 5-илова) киритилади;

• реализация қилиш бўйича айланма суммасини (1 600 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобининг 1-илловаси 010811-сатри 3-устунида акс эттиринг.

Жисмоний шахс-резидент ўзининг кўчмас мулкни сотмоқчи. Кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромад – бу жисмоний шахснинг мулкий даромадидир (СК 375-м.). Бунда қандай солиқ оқибатлари юзага келади? Мазкур ҳолда ЖШДСни қандай ҳисоблаб чиқариш ва тўлашни [buxgalter.uz](http://buxgalter.uz) илтимосига биноан «Norma» компанияси эксперти Дилором САИДОВА тушунтирди.

## ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ КЎЧМАС МУЛКИНИ СОТИШДАН ОЛИНГАН ДАРОМАД

### Қандай солиқларни тўлаш зарур

– Жисмоний шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадларга:

• ЖШДС солинади;

• ижтимоий солиқ солинмайди (СК 403-м.).

Уларга ШЖБПҚ ҳисобланмайди.

### Даромад қандай аниқланади?

Кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромад уни реализация қилиш суммасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган уни олиш қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади.

Олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар – мавжуд бўлмаса, кадастр қиймати ҳамда реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ даромад деб эътироф этилади (СК 375-м. 4-б.).

Уй-жой фонди кўчмас мулк объектлари-

нинг кадастр қийматини аниқлаш Солиқ солиш мақсадида жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларининг, турар жой фондининг кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомга (30.12.2017 йилдаги 1043-сон ВМҚга 1-илова) мувофиқ амалга оширилади. Ҳисоблаш ишлари «Давергеодезадастр» қўмитаси органлари томонидан маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда амалга оширилади (Низомнинг 3-б.).

### Агар сотиб олувчи жисмоний шахс бўлса, солиқни ким тўлайди?

Агар сотиб олувчи – жисмоний шахс бўлса, солиқ тўлаш бўйича мажбурият жисмоний шахс – сотувчининг зиммасига юкланади.

ЖШДС йиллик жами даромади тўғрисида декларация асосида ҳисоблаб чиқарилади. Кўчмас мулк сотувчиси декларацияни доимий

яшаш жойидаги солиқ органига ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади, ҳисоблаб чиқарилган солиқни эса кўчмас мулк сотилган йилдан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлайди (СК 381-м. 1-қ., 397-м. 1-қ., 398-м. 1-қ.).

### Қачон ЖШДСни тўлаш керак эмас

Жисмоний шахс камида 3 йил ўзининг мулкда бўлган турар жой биноларини сотишда солиқ тўламайди (СК 378-м. 7-қ.).

### МИСОЛ. Жисмоний шахс бошқа жисмоний шахсга квартирани сотади

Жисмоний шахс ўзига мулк ҳуқуқида тегишли бўлган квартирани бошқа жисмоний шахсга сотади. Битимнинг қиймати – 190 млн сўм. Квартира 10 йил олдин ҳада тариқасида олинган. Квартиранинг кадастр қиймати – 166 млн сўм.

Мазкур вазиятда квартирани сотишдан олинган даромад 24 млн сўмга (190 – 166) тенг.

Квартира эгасига 3 йилдан ортиқ муддат тегишли эканлиги боис, сотишда ЖШДС тўланмайди.

### Агар сотиб олувчи – юридик шахс бўлса

Агар жисмоний шахснинг кўчмас мулкни корхона сотиб олса, у солиқ агентига айланади (СК 387-м. 1-қ., 3-б.) ва жисмоний шахсга даромад тўлаш чоғида ЖШДСни ушлаб қолади.

Ўзбекистон резиденти бўлган жисмоний шахсдан кўчмас мулкни солиб олишда солиқни ушлаб қолиш мажбурияти даромад тўлайдиган куйидаги шахсларнинг зиммасига юклатилади (СК 386-м. 1-қ.):

Ўзбекистоннинг юридик шахсларига;

• яқка тартибдаги тадбиркорларга;

• Ўзбекистонда фаолиятини ДМ орқали амалга оширадиган Ўзбекистоннинг норезиденти бўлган юридик шахсларга;

• Ўзбекистон норезиденти бўлган юридик шахсларнинг ваколатхоналарига;

• мол-мулкни ишончли бошқаришни амалга оширувчи ишончли бошқарувчига.

**МИСОЛ. Юридик шахс жисмоний шахсдан яшаш учун мўлжалланмаган бино сотиб олди** Ўзбекистоннинг юридик шахси жисмоний шахсдан 360 млн сўмга жисмоний шахснинг ўзи томонидан 1 йил олдин 250 млн сўмга сотиб олинган нотурар жой бинони сотиб олди. Жисмоний шахснинг реализация қилишдан олган даромади солиқ солиш мақсадларида 110 млн сўмни (360-250) таъкил этди.

Солиқ суммаси 13,2 млн сўмга (110 x 12%) тенг.

Юридик шахс солиқ агенти сифатида жисмоний шахсга даромад тўлаш чоғида солиқ суммасини ушлаб қолиши ва жисмоний шахсга 346,8 млн сўм (360 – 13,2) тўлаши керак.

Солиқ суммаси жисмоний шахсга даромад тўлаш билан бир вақтда бюджетга ўтказилади.

## БЕВАГА МОДДИЙ ЁРДАМ

**?** 2020 йил октябрда ташилотимиз ходими вафот этди (Covid-19 ташихиси тасдиқланган). Ташилот раҳбарияти унинг оила аъзоларига МХЭКМнинг 7,5 баравари миқдорда моддий ёрдам тўлашига қарор қилди. Ташилот ходимларига тўловлар тўлаш тўғрисидаги низомда бундай тўловлар назарда тутилган. Моддий ёрдамни вафот этган ходимнинг турмуш ўртоғига бермоқчимиз, у ташилотимизда ишламайди.

1. Вафот этган ходимнинг турмуш ўртоғи ташилотимизда ишламаса, унга бериладиган моддий ёрдамдан ЖШДС ушланмаслиги тўғрисида қандай ҳужжатлар талаб этилади?

2. Бунда қандай ҳужжатлар талаб этилади?

**1** Вафот этган ходимнинг турмуш ўртоғига исталган миқдорда моддий ёрдам тўлашингиз мумкин.

Солиқ кодексига мувофиқ вафот этган ходимнинг оила аъзоларига тўланадиган МХЭКМнинг 4,22 бараваригача бўлган моддий ёрдам суммасига ЖШДС солинмайди (СК 378-м. 1-б.).

2020 йилда ЖШДС солинмайдиган моддий ёрдам суммаси оширилди (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон Фармоннинг 2-банди). Фармонда куйидагилар қайд этилган:



«Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 2020 йилда жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиги солинмайдиган, ходимга тўланадиган моддий ёрдам суммаси меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилади».

Бунда Фармонда вафот этган ходимнинг оила аъзоларига моддий ёрдам тўлашда ЖШДС бўйича имтиёزلарни қўллаш тартиби келтирилмаган.

Солиқ агентлари томонидан СКнинг 387-моддасида кўрсатилган солиқ тўловчининг даромадларидан ҳисобланган солиқ суммаси ушлаб қолиниши шарт (СК 388-м. 4-қ.). Вафот этган ходимнинг оила аъзоларига тўланадиган моддий ёрдам шаклидаги бошқа даромадлар ҳам СКнинг 387-моддасига киритилади (СК 377-м. 10-б., 387-м. 1-қ. 4-б.).

Жисмоний шахс томонидан солиқ органларига йиллик жами даромад тўғрисидаги декларация топширилганда, асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа солиқ агентларидан совға, моддий ёрдам ёки бошқа тўловларни олувчиларнинг ЖШДС суммаси қайта ҳисоб-китоб қилинади (СК 388-м. 7-қ.).

**2** Вафот этган ходимнинг турмуш ўртоғига моддий ёрдам берилиши учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- раҳбар номига ариза;
- ходим вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- турмуш ўртоғининг паспорт нусхаси;
- никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.

## ҲИСОБ ЮРИТИШ ШАРТ

**?** Чет эл юридик шахсининг доимий муассасаси бухгалтерия ҳисобини юритиш қулай бўлиши учун 21-сон БҲМСга счётлар режасига бир нечта субсчётларни киритди.

ДМ бухгалтерия ҳисобини юритиши лозимми?

У Счётлар режасига ўзгартиришлар киритишга ҳақлими?


– Бухгалтерия ҳисоби барча ҳўжалик операцияларини жамлаб, узлуксиз равишда ҳужжатли ҳисобга олиш орқали бухгалтерия маълумотларини йиғиш, рўйхатдан ўтказиш ва умумлаштириш, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборат тартибга солинган тизимни ифодалайди.

Юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чет эл юридик шахсларнинг ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий тузилмалари ҳисобини юритадилар ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот топширади-

лар («Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 6-м. 2-қ.).

ДМ Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобва-рақлар режасидан фойдаланиши (АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 1-илова) ҳамда зарурат туғилганда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин. ДМ бир қатор солиқларни тўловчи ҳисобланади, шу жумладан солиқ агенти ҳисобланади, шу сабабли у солиқ солинадиган объектлар ҳисобини ҳам юритиши шарт.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.



## НОРЕЗИДЕНТ УЧУН КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИ

**?** Тошкент шаҳридаги квартира эга бўлган жисмоний шахс ундан рўйхатдан чиқарилган. Узок вақтдан бери Қозоғистонда яшайди ва Ўзбекистон фуқаролигидан воз кечиш арафасида. Ҳали бошқа давлат фуқаролигини олмаганлиги сабабли фуқаролиги бўлмаган шахс мақомига эга.

1. Норезидент ёки фуқаролиги бўлмаган шахс квартира эгаси ҳисобланса ва ундан рўйхатдан чиқарилган бўлса, унда Тошкент шаҳридаги квартира бўлган мулк ҳуқуқи сақланиб қоладими?

2. Ушбу кўчмас мулк сотилган тақдирда, у қандай солиқларни тўлаши лозим?

**1** Ҳа, мулкдорда квартирага бўлган ҳуқуқи сақланиб қолади.

Турар жойга бўлган ҳуқуқ мўлдатеиз бўлиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бўзмаган ҳолда шахснинг ўзига тегишли турар жойга ўз хошиши ва манфаатларига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини баргараф этиши талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Хусусий мулк бўлган уйлар, квартиралар олиб қўйилиши, мулкдор эса уйга, квартирага мулк ҳуқуқидан махрум этилиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Турар жой фақат суднинг қарорига асосан мажбурий тарзда олиб қўйилиши мумкин (УЖК 11-м.).

Мулкдордан мол-мулки фақат мулкдорнинг ушбу мол-мулкка бўлган мажбуриятларини ундиришга қаратилганда, шунингдек миллийлаштириш, реквизиция ва мусодара қилиш тартибида олиб қўйилишига йўл қўйилади (ФК 199-м.).

Шу тариқа, квартира эгаси ундан рўйхатдан чиқарилган ва Ўзбекистондан ташқарида турган бўлса, фуқароликдан чиқишидан ва фуқаролиги бўлмаган шахс мақомига эга бўлишидан қатъи назар, унда Тошкент шаҳридаги кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ сақланиб қолади, юқорида келтирилган ҳолатлардан бундан мустасно.

**2** Тошкент шаҳридаги квартира сотилганда жисмоний шахсда мулкчи даромад юзага келиши мумкин. Даромад квартирани реализация қилиш суммаси унинг ҳужжатлар билан тасдиқланган харид қийматидан ошиши сифатида аниқланади. Қийматни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, квартирани реализация қилиш нархи ва унинг кадастр қиймати ўртасидаги ижобий фарқ даромад ҳисобланади.

Квартира эгаси бўлган жисмоний шахс узок вақтдан бери бошқа давлатда яшаётганлиги сабабли у Ўзбекистон Республикаси солиқ резиденти ҳисобланмайди ва норезидент деб эътироф этилади. Норезидент бўлган жисмоний шахсларга ЖШДС бўйича имтиёзлар қўлланмаган ҳолда солиқ солинади. Солиқ ставкаси – 20% (СК 30-м., 366-м. 1-қ. 2-б., 382-м. 3-б.).

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқати ва Қозоғистон Республикаси Ҳуқуқати ўртасида Даромадлар ва мол-мулкка иккиёқлама солиш солишининг олдини олиш тўғрисидаги битим мавжуд (Алмата, 12.06.1996 й., ВМнинг 20.01.1997 йилдаги 32-сон қарори билан тасдиқланган). Унга мувофиқ Қозоғистон Республикаси резидентининг Тошкентдаги квартирани реализация қилишдан олган даромадида Ўзбекистонда солиқ солинади (Битимнинг 13-м. 1-б.). Битимда кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадга пасайтирилган ставкада солиқ солиш назарда тутилмаган.

Санжар ХЎЖААХМЕДОВ,  
Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ экспертилари.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ:

- «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»;
- «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»;
- «Яширин иқтисодийётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида».
- 2020 ЙИЛНИНГ III ЧОРАГИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА «НОРМА МАСЛАХАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАР РҲҲАТИ.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\*

Сўнги йилларда мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат улуши сақланиб қолаётган айрим тармоқлар ва йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтишининг кечикаётганлиги янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратишга тўқсинлик қилмоқда.

Давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчиға йўналтирилган замонвий бошқарув усуллари, очкилик, шаффофик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислохотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодийда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири бошчилигида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан 3 мингга яқин давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти тўлиқ ўрганилганлиги ва иқтисодийда давлат иштирокидаги корхоналарнинг улушини кескин қисқартириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қуйидагилар:

Трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва ҳўжалик бирлашмалари рўйхати 1-иловага\*\* мувофиқ;

Корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиладиган, операция самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати 2-иловага\*\* мувофиқ;

Хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг манзилли дастурлари орқали оммавий савдоларға чиқариладиган давлат активлари рўйхати 3-иловага\*\* мувофиқ;

Давлат акция пакетлари (улушлари) тўлиғича оммавий савдолар орқали хусусий секторға сотиладиган корхоналар рўйхати 4-иловага\*\* мувофиқ;

Хусусий секторға сотиладиган давлат кўчмас мулк объектлари рўйхати 5-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Молия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 24 та штат бирлигидан иборат Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) ташкил этилсин. Мазкур штат бирликлари молия ва давлат солиқ хизмати органларининг 12 тадан штат бирлигини қисқартириш ҳисобидан шакллантирилсин.

Департаментнинг асосий вазифалари этиб мазкур Фармоннинг 1-иловасида келтирилган давлат иштирокидаги корхоналарда қуйидагиларни амалга ошириш белгилансин:

Молия вазирлиги томонидан давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) ваколатлари ва функцияларини амалга оширишни ташкил этиш;

2021 йил 1 апрелға қадар 2019-2020 йиллар учун молиявий ҳисоботларни халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) асосида тайёрлаш ҳамда халқаро кредит рейтингларини олиш графигини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш;

2021 йил 1 апрелға қадар ҳар бир корхона учун нуфузли халқаро консалтинг ташкилотларини танлов асосида жалб қилган ҳолда молиявий соғломлаштириш, операция самарадорлигини ошириш ҳамда Урта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

2021 йил 1 июлға қадар харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда «мувофиқлик тизими» (комплаенс) ва коррупцияға қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонвий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш;

2021 йил 1 июлға қадар кузатув кенгашларига ва корхоналар бошқарувиға халқаро танлов асосида чет эллик соҳа мутахассисларини (жумладан, ватандошларни) фаол жалб этиш орқали кузатув кенгашлари таркибининг камида 30 фоизини ва корхона бошқарувининг камида 3 нафар раҳбар ходимини малакали халқаро мутахассислар билан тўлдириш.

3. Молия вазирлиги мазкур Фармоннинг 1-иловасидаги, Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўрин-

\*Ушбу Фармон Қонун ҳўжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 28.10.2020 йилдан кўчға кирди.

\*\*Фармонға 1–7-иловалар «СБХ»да чоп этилмайдди. Ҳўжатнинг тўлиқ матни билан «Нотта» АҚТ ва [ntt.uz](http://ntt.uz) сайтида танишиш мумкин.

ларда – Агентлик) ушбу Фармоннинг 2-иловасидаги давлат иштирокидаги корхоналар бўйича:

**2021 йил 1 январга қадар** Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда халқаро стандартларга мувофиқ қайта баҳоланадиган конлар (давлат захиралари) рўйхати ва «йўл хариталари»ни тасдиқласин;

**2021 йил 1 февралга қадар** 2021 йил учун корхоналарнинг бюджет лойиҳасини ишлаб чиқсин;

**2021 йил 1 июлга қадар** 3 йиллик бизнес режаларини (жорий фаолияти, инвестиция лойиҳалари ва уларни молиялаштиришнинг аниқ манбалари, шу жумладан, халқаро молия бозорлари маблағлари ҳисобидан, молиявий модели) ишлаб чиқишни таъминласин;

**2021 йил 1 июлга қадар** корхоналарнинг барча инвестиция лойиҳаларини хатловдан ўтказиб, бошланмаган ҳамда молиявий манбалари аниқ бўлмаган лойиҳаларни тўхтатиш чораларини кўрсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров) **2021 йил 1 январга қадар** мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ушбу Фармоннинг 1 ва 2-иловаларидаги ҳар бир корхона кесимида «йўл хариталари»ни тасдиқласин.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Агентлик:

**2020 йил 1 декабрга қадар** рақобат муҳитига таъсир қиладиган имтиёз ва преференцияларни хатловдан ўтказиб, уларни бекор қилиш бўйича қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

мазкур Фармоннинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган корхоналарни трансформация қилиш жараёнлари билан биргаликда улар фаолият юретидаган соҳада бозор муносабатлари тамойилларига тўлиқ ўтиш, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин;

**2021 йил 1 январга қадар** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда «Узагросервис» ва «Узагротеххимия» акциядорлик жамиятлари фаолиятини танқидий қўриб чиқиб, уларнинг фаолиятини бозор тамойиллари асосида йўлга қўйиш ва соҳада хусусий секторни ривожлантириш бўйича тақлифлар киритсин.

5. Молия вазирлигига Департамент фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича ва Агентликка қуйдаги қўшимча ваколатлар берилсин:

танлов асосида халқаро миқёсда ётачки бўлган консалтинг, аудит, «хедхантер» ва бошқа зарур компаниялар ва экспертларни жалб қилиш ҳамда улар билан шартномалар тузиш;

лойиҳа офисларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва молиявий таъминлаш (бюджет, давлат иштирокидаги корхоналарнинг маблағлари, халқаро молиявий ташкилотларнинг грант ва қарз маблағлари).

6. Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (А.Арипов) 3-иловада келтирилган хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибдорлигини оширишнинг манзилли дастурлари орқали оммавий савдоларга чиқариладиган давлат активларининг ҳар бири бўйича:

**2020 йил 15 ноябрга қадар** ишчи гуруҳлари шакллантирилишини;

**2021 йил 1 февралга қадар** хусусийлаштириш ва инвестициявий жозибдорликни ошириш учун консалтинг ташкилотлари жалб қилинишини ва амалга ошириладиган ишлар бўйича «йўл хариталари» ишлаб чиқишлигини;

**2021 йил 1 июлга қадар** корхоналарни хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибдорли-

гини оширишнинг манзилли дастурлари ишлаб чиқишлигини таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамаси (А.Раматов), Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров, Ш.Ҳидоятлов), Агентлик (С.Бекенов) икки ой муддатда мазкур Фармоннинг 3-иловасида келтирилган давлат иштирокидаги лойиҳа-тадқиқот ташкилотларини қайта хатловдан ўтказиб, уларни хусусийлаштиришга тайёрлаш, лойиҳа-тадқиқот ва қурилиш соҳасидаги нуфузли ташкилотларга сотиш ҳамда хусусийлаштириш бўйича «йўл хариталари»ни тасдиқласин.

8. Мазкур Фармоннинг 4-иловасидаги давлат акция пакетлари (улушлари) тўлиғича оммавий савдоларга чиқарилишини самарали ташкил этиш бўйича масъул шахслар рўйхати 6-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг янгиланган таркиби 7-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (А.Арипов):

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда:

маҳаллий ва хорижий инвесторларни ҳудудларда сотувга чиқариладиган давлат активлари билан таништириш юзасидан зарур чораларни кўриш;

хусусийлаштирилиши белгиланган давлат активларини ташқи инфратузилма тармоқлари билан узлуксиз таъминлаш;

хусусийлаштиришдан кейин корхоналарнинг тўлиқ қувватда ишлаши ва самарали фаолият кўрсатиши бўйича шартшароитларни яратиш;

инвесторларни жалб қилиш бўйича бошқа зарурий чораларни кўриш топширилсин;

б) мазкур Фармоннинг 4-иловасидаги корхоналар соф активларининг давлат акция пакетлари (улушлари)га нисбатан пропорционал қиймати 100 миллион сўмдан ошмаса, уларни истисно тариқасида, соф активларининг пропорционал улушига тенг (соф активлари устав капиталидан кам бўлганда номинал) қийматда оммавий савдоларга қўйиб бориш топширилсин;

в) Агентлик томонидан 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб мазкур Фармоннинг 4 ва 5-иловаларига мувофиқ корхоналар акция пакетлари (улушлари) ва кўчмас мулк объектларининг оммавий савдоларга чиқарилишини таъминлаш топширилсин;

г) қуйдаги қўшимча ваколатлар берилсин:

мазкур Фармоннинг 4 ва 5-иловаларидаги давлат акция пакетлари (улушлари), кўчмас мулк объектлари баҳоланган нархда оммавий савдоларга уч ой муддат давомида сотилмаган тақдирда, уларнинг бошланғич нархини Агентликнинг тақлифига асосан қайта белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан сотилиши белгиланган давлат активларини сотиш шартлари ва шакллари белгилаш;

кўчмас мулк объектлари ва келгусида шаклланадиган давлат акция пакетлари (улушлари) ҳамда давлат корхоналарини хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни сотиш шартлари, савдо тури ва оммавий савдолардаги бошланғич нархини белгилаш.

11. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 4-иловасига киритилган корхоналар:

давлат акция пакетлари (улушлари) битта лот асосида савдога чиқарилади;

соф активларининг пропорционал улушига тенг (соф активлари устав капиталидан кам бўлганда номинал) қийматда оммавий савдоларга чиқарилган қиймати 100 миллион сўмдан ошмаган давлат акция пакетлари (улушлари) уч ой давомида

сотилмаган тақдирда, улушлар «1 сўм» бошлангич нархда, акция пакетлари «1 та акция – 1 сўмдан битта лот» тамойили асосида қайта савдога чиқарилади.

12. Шундан тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

**давлат объектларини «ноль» харид қийматига сотиш амалиёти бекор қилинади** ва улар ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг қарорларига асосан инвестиция ҳамда ижтимоий мажбуриятлар асосида «1 сўм» бошлангич қийматда оммавий савдоларга чиқарилади;

**давлат унитар корхоналари** ҳўжалик жамиятларига ўзгартирилган ҳолда уларнинг давлат акция пакети (улуши) сотилади;

мазкур Фармоннинг 4-иловасидаги давлат унитар корхоналарини ҳўжалик жамиятларига ўзгартиришда уларнинг устав капитали хатлов ва баҳолаш ўтказмаган ҳолда солиқ органларига топширилган охириги бухгалтерия баланси маълумотлари асосида соф активлари қийматига, соф активлари манфий бўлган тақдирда, корхона устав капитали миқдорига белгиланади;

давлат активларини сотиб олувчилар тўловларни қонунчиликда белгиланган тартибда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти асосида амалга ошириши мумкин;

давлат улушларини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш шартномалари доирасида белгиланган графикка асосан қисман тўловни амалга оширган харидорларга тўлиқ тўловлар амалга оширилгунга қадар улуш қийматининг тўланган қисмига мутаносиб равишда жамият бошқарувида иштирок этиш ва дивидендлар олиш ҳуқуқи асосида «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» эгаллик сертификати берилади;

давлат кўчмас мулк объектларини сотиб олиш шартномалари доирасида қисман тўловни амалга оширган харидорларга сотиб олиш тўловини тўлиқ амалга оширгунга қадар «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» давлат ордери берилади.

13. Агентлик Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой мuddатда бозор ва савдо комплекслари бошқарув тизимини такомиллаштириш ва уларни босқичма-босқич хусусийлаштириш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда:

бозорлар ва савдо комплекслари аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари қoшида бозор ва савдо комплексларини сотишдан олдин тайёрлаш ишларини амалга ошириш бўйича бошқарув компанияларини ташкил этиш;

илгор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган бозор ва савдо комплексларини замонавий қўринишга келтириш, санитария-гигиена талаблари даражасида сақлаш, бозор фаолияти учун зарур инфратузилмани шакллантириш; бозор ва савдо комплексларидаги хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳамда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш назарда тутилсин.

14. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоқов, Л.Қудратов, Ш.Вафаев) Агентлик билан биргаликда:

а) мазкур Фармонга мувофиқ сотиладиган корхоналар акция пакетлари (улушлари) ва кўчмас мулк объектлари бўйича:

оммавий савдоларга чиқаришдан олдин маҳаллий ва халқаро инвесторларни жалб қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда салоҳиятли

инвесторларни жалб қилиш учун мунтазам равишда учрашув, мулоқот ва тақдимотлар («Road Show») ўтказсин;

мазкур Фармоннинг 3-иловасидаги давлат иштирокидаги корхоналарга илгор тажрибага эга салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича манзилли ишларни ташкил қилсин;

б) 2021 йил 1 февралга қадар хорижий тажрибани ўрганган ҳолда махсус иқтисодий зоналар фаолиятига ташқи бошқарувни жорий этиш ҳамда уларни босқичма-босқич хусусийлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Агентлик:

Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасининг чет элда жойлашган давлат мулк объектларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, уларни сотиш, ижарага ёки ишончли бошқарувага бериш;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги, тегишли вазирлик, идоралар ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда уч ой мuddатда давлат улуши устун мавқега эга бўлган корхоналар ва тижорат банкларининг асосий фаолиятига мос бўлмаган активларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни оммавий савдолар орқали сотиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда:

муассаса сифатида қайта ташкил этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини;

филиал қўринишда қайта ташкил этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини;

давлат улуши сақлаб қолинладиган корхоналар рўйхатини;

тугатиш ёки банкротлик таомилларини қўллаш ташаббуси билан чиқиладиган истиқболсиз, фаолият кўрсатмаётган, зарар қўриб ишлаётган ва паст рентабелли давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини тасдиқласин.

17. Агентлик Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда «E-ijro auksion» ягона электрон савдо майдончасида ўтадиган оммавий савдолар жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, субъектив ёндашувларни тўлиқ истисно қилиш ва харидорларга қўлайлик яратиш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини таъминласин:

2021 йил 1 январга қадар ягона электрон савдо майдончасида амалга ошириладиган савдолар тартиб-таомилларини бирхиллаштириш бўйича ягона тартибни тасдиқлаш ва унинг асосида давлат органлари билан ўзаро интеграция қилинган савдо майдончасининг такомиллаштирилган дастурий таъминотини ишга тушириш;

2021 йил 1 январдан бошлаб барча аукцион савдолари натижаларини QR-кодни қўллаш орқали расмийлаштириш;

давлат кўчмас мулк объектлари ва улушларини сотиш бўйича такрорий аукцион савдоларини ҳар 10 календарь кунда бир мартаба даврийликда амалга ошириш;

харидорларнинг таклифларини аукционда лотлар эълон қилинган пайтдан бошлаб қабул қилиш;

давлат активларини сотиш шартларига мувофиқ бўлган буюртманома фақат бир нафар талабгор томонидан берилган бўлса, ушбу ягона иштирокчи билан олди-соти шартномасини тузиш, бундан «1 сўм» бошлангич нархда савдога чиқарилган давлат улуши ва кўчмас мулк объектлари мустасно.

18. Агентлик Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ва-

зирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва ёритишга қаратилган медиа-режани тасдиқласин ва унинг ижросини таъминласин.

19. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) Бош прокуратура билан биргаликда давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиб олган инвесторларнинг, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини, уларни жамият бошқарув органида иштирок этишида тўққинлик қилувчи ҳолатлар аниқланганда қонунчиликда белгиланган қатъий чоралар қўрилишини таъминласин.

20. Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда 2020–2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш учун киритсин;

**2020 йил 1 декабрга қадар «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги ва «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги**

Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритсин;

**уч ой муддатда** хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиб, унификация қилган ҳолда хусусийлаштириш тўғрисидаги янгиланган низомларни тасдиқласин.

21. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 27 октябрь  
ПФ-6096-сон.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **ИЛМ-ФАНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА\***

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фани мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустакил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. **Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси** (кейинги ўринларда – Концепция) ҳамда **Концепциянинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари 1 ва 1а-иловаларга\*\*** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, **Концепция** ҳамда **унинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари**, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутайди:

а) **илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида:**

илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган **миллий рейтинг** тизимини жорий этиш;

илм-фанда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида **ижтимоий шериклики** ривожлантириш ҳамда унинг доирасида лойиҳаларни амалга ошириш;

б) **илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш мнбаларини диверсификациялаш борасида:**

2025 йилга қадар **илм-фанга** йўналтириладиган жами маблағларнинг ялли ички маҳсулотга нисбатан улушини **6 бараварга**, 2030 йилгача эса **10 бараварга** ошириш;

2025 йилга қадар илм-фани умумий молиялаштириш ҳажмида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига хусусий сектор томонидан ажратиладиган маблағлар улушини амалдаги **8 фоиздан 20 фоизга**, 2030 йилгача эса **30 фоизга** етказиш;

инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда **2 та**, 2025 йилда **10 та венчур жамғармаларини ташкил қилиш**;

в) **юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш борасида:** илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар **45 га**, 2030 йилгача эса **39 га** етказиш;

2025 йилга қадар **39** ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг умумий сонига юқори малакали илмий ходимларнинг (фан номзоди, фалсафа ва фан докторлари) улушини **2 бараварга**, 2030 йилгача эса **3 бараварга** ошириш;

г) **илм-фани ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш борасида:**

2025 йилга қадар илмий-тадқиқот ва ишланмалар соҳасидаги технологик инновацияларга харажатларнинг умумий ҳажмида ташкилотнинг ўз кучи билан бажарилган технологик инновацияларга харажатларнинг улушини **3,5 бараварга**, 2030 йилгача эса **9 бараварга** ошириш;

2021 йилда «Яшновод» инновацион технопаркиннинг резидентлари сонини **60** тага етказиш ва шу асосда инновацион маҳсулотлар тури ва ҳажмини ошириш, шунингдек, **720** дан ортиқ янги иш ўринларини яратиш;

**7 та замонавий лаборатория** мажмуаларини ташкил

\*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 30.10.2020 йилдан кучга кирди.

\*\*Фармонга 1, 1а–4-иловалар «СБХ»да чоп этилмаиди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотам» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида таншиш мумкин.

етиш, уларни GLP ва GMP ҳақон стандартларига мос ускуналар билан жиҳозлаш;

д) *илм-фан тараққиётига кўмаклашувчи замонавий ахборот муҳитини шакллантириш борасида:* миллий илмий портални яратиш; олимплар, ташкилотлар, илмий-техник ахборот манбалари рейтингларини жорий этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки: илмий ташкилотлар раҳбарлари лавозимига устувор равишда **илм-фан тизимини бошқариш кўникмасига ва иқтисодий билимга** эга бўлган ёш мутахассислар тайинланади;

2021 йил 1 январдан бошлаб илмий ташкилотлар раҳбарларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Давлат бошқаруви академиясида** ўқитиш ва мунтазам малакасини ошириб бориш тизими жорий қилинади;

2021 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир илмий ташкилотда унинг бошқарув ҳодимларининг чекланган умумий сони доирасида **илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчи лавозими киритилади**, бу лавозимга таниқли илм-фан номияндалари ва нуфузли олимплардан бири тайинланади ҳамда маслаҳатчи ташкилотнинг Илмий кенгашини бошқаради; илмий йўналишларни шакллантириш ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда илмий мактаблар, фан номияндалари ва етакчи олимпларнинг соҳадаги маъсулиятини ошириш мақсадида ҳар бир фан йўналишлари бўйича **фан жамятлари ташкил қилинади**;

2021 йилда халқаро мустақил эксперт компанияларини жалб этган ҳолда Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоъяларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **барча давлат илмий ташкилотларининг илмий-инновацион фаолияти аудитордан ўтказилади**;

барча давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик бирлашмаларининг республика даражасидаги раҳбарлари (биринчи ўринбосарлари) бир вақтнинг ўзида **илм-фан ва инновацион фаолиятини** ривожлантиришга маъсул ҳисобланади ҳамда бу борада тизимдаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

4. Худудларда илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, илм-фанга кенг жалб қилиш, нуфузли илмий мактабларни шакллантириш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб **«Академик ҳаракатчанлик»** дастури жорий қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Академик ҳаракатчанлик» дастури доирасида:

илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларнинг илмий гоъяларини рағбатлантириш, уларнинг хорижий университетлар ва илмий марказларга қисқа муддатли стажировкаларини ташкил этиш учун **Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** маблағлари ҳисобидан грантлар ажратилади;

мазкур ёшларга илмий ташкилотлар, олий таълим муассасалари, шунингдек, вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳузуридаги илмий тузилмалардаги **замонавий илмий асбоб-ускуналардан** бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар **«Академик ҳаракатчанлик»** дастурини амалга ошириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Қуйидагилар:

**Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2020–2022 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»** (кейинги ўринларда – «Йўл харитаси») 2-иловага\*\* мувофиқ;

**Илм-фан соҳаси ва илмий-тадқиқот ишларини 2021–2023 йилларда** молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялашнинг мақсадли параметрлари (кейинги ўринларда – Мақсадли параметрлар) 3-иловага\*\* мувофиқ;

**Илм-фан соҳаси ва илмий-тадқиқот ишларини 2021–2023 йилларда** молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялашнинг мақсадли параметрларига эришиш бўйича комплекс чоратадбирлар режаси (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар режаси) 4-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2021 йил 1 январдан бошлаб **Илмий даражали кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими** жорий қилинсин.

Белгилансинки, Илмий даражали кадрларни тайёрлашни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими орқали қуйидаги ишлар тўлиқ амалга оширилади:

стажёр-тадқиқотчи, изланувчи, илмий раҳбар ва консультантларга доир маълумотлар банкни шакллантириш, стажёр-тадқиқотчи ва изланувчиларнинг яқка тартибдаги режасидаги ишлар бажарилишини қайд этиш;

илмий даражали кадрларни тайёрлаш институтларининг самарадорлиги мониторингини олиб бориш, тегишли ҳисоботлар ва таҳлилий маълумотларни шакллантириш;

стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура, докторантурада ўқиш учун қабул квоталари бўйича буюртманома шакллантириш;

илмий даражали кадрларни тайёрлаш институтларида ўқиш учун талабгорларни рўйхатчи олиш.

Инновацион ривожланиш вазирлиги мазкур электрон тизимнинг узлуксиз ишлаши, унга техник хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унинг функционал имкониятларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириб борсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

олий таълимдан кейинги таълимнинг **бир поғонали тизими** жорий қилинган хорижий давлатларнинг рўйхати ҳар йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланадиган халқаро рейтингларда **биринчи 300 та ўридан** бирини эгаллаган олий таълим ташкилотларида олинган **фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc)** илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида **фан доктори (DSc)** сифатида тўғридан-тўғри тан олинади ва нострификация қилинади (эквивалентлиги қайд этилади);

халқаро рейтингларда биринчи **300 та ўридан** бирини эгаллаган олий таълим ташкилотларида олинган **профессор, доцент, катта илмий ходим** ва уларга тенглаштирилган **бошқа илмий унвонлар** тўғрисидаги ҳужжатлар олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар кенгашларининг тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикасида қўшимча экспертиза ўтказмасдан ва бошқа синовларсиз тўғридан-тўғри тан олинади.

8. Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва «Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожланишдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантиришнинг янги тартибини жорий қилиш;

Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоёларини қўллаб-қувватлаш жамгармаси, Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамгармаси ва Ёшлар академиясининг икtidорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамгармаси **маблагларидан самарали фойдаланиш**;

Инновацион ривожланиш вазирлигининг амалдаги вазифа ва функцияларини қайта кўриб чиқиш, **унинг фаолият самардорлигини янада ошириш**.

9. Жаҳон банки томонидан илмий ишланмаларни тижоратлаштириш асосида республикада инновацион тизимни ривожлантириш, инновацион фаолият соҳасидаги индикаторларни яхшилашга қўмаклашиш мақсадида **50 миллион АҚШ доллари** миқдоридagi имтиёзли кредит маблагларини ажратиш тўғрисидаги **«Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш»** лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги 2021 йил 1 январга қадар:

Лойиҳа доирасидаги ташаббусларни (лойиҳаларни) баҳолаш ва экспертизадан ўтказиш учун **Халқаро эксперт кенгаши** (International Expert Board) ташкил этиш;

Жаҳон банки талабларига асосан Лойиҳа доирасидаги ташаббусларни (лойиҳаларни) амалга оширишга қўмаклашиш, молиявий назорат ва ҳисобот тизимини юритиш мақсадида **лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил этиш** чораларини кўрсин;

2021 йилда **«Ўзбекистон илмий салоҳиятини ошириш»** лойиҳасини амалга ошириш учун Жаҳон банкининг қўшимча **50 миллион АҚШ доллари** миқдоридagi имтиёзли кредит маблагларини жалб этиш бўйича тақлиф киритсин.

10. Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, масъул вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар Мақсадли параметрларни амалга ошириш доирасидаги тегишли сарф-харажатлар учун Давлат бюджет, тегишли маҳаллий бюджетлар параметрлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар доирасида маблаглар ажратсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичларига 2021 йил 1 январдан бошлаб тегишли ҳудудда маҳаллий бюджет маблаглари ҳисобидан молиялаштирилган **фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар сони, бир миллион аҳоли сонига тўғри келадиган илмий тадқиқотчилар ва олимлар сони, тижоратлаштирилган илмий ишланмалар сони ва ҳажми** индикаторлари киритилсин.

12. Инновацион ривожланиш вазирлиги 2020 йил 1 декабрга қадар 2019 йилда илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида яқунланган илмий лойиҳалар натижадорлигини пухта ва ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида яратилган **муҳим илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни бир неча бор кўпайтириш бўйича ишларни ташкил этиш** дастурини қабул қилсин.

13. Масъул ижрочилар – тизимида илмий ташкилотлар мавжуд бўлган давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик бирлашмалари:

**бир ой муддатда** Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда «Йўл харитаси»да белгиланган вазифалар ва тадбирларни амалга оширишнинг **2020–2021 йиллар учун ҳамда ҳар йил якунида – келгуси йил учун чора-тадбирлар режалари** ишлаб чиқиши ва тасдиқлашини;

**ҳар чорақда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар** чора-тадбирлар режалари ва «Йўл харитаси»нинг ижроси бўйича маълумотларнинг тегишли равишда Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар чорақда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг **10-санасига қадар** мазкур Фармоннинг ижроси бўйича умумлаштирилган маълумотлар ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар тайёрланиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

14. Қуйидагилар:

**Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши** (А.Н.Арипов) зиммасига – ушбу Фармоннинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш, Концепция ҳамда «Йўл харитаси»ни амалга ошириш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, масъул раҳбарларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини кенгаш мажлисларида **бир йилда камда икки маротаба эшитиш** ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

**инновацион ривожланиш вазири** (И.Ю.Абдурахмонов) зиммасига – Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришишни таъминлаш, илмий фаолият натижадорлигини ошириш, илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш асосида илмий маъсулотлар ҳажми ва инновацион маъсулотлар турларини кенгайтириш фаолиятини мунтазам равишда мувофиқлаштириш бориш;

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, масъул вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари** зиммасига – Концепция ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш, илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларни шакллантириш асосида тегишли ҳудуддаги мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган илмий лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

**Фанлар академияси президенти** (Б.С.Юлдашев) зиммасига – Фанлар академияси тизимидаги илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолиятини иқтисодий тarmoқларни ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларига тўлиқ мослаштириш, юқори самарадор илмий ишланмалар ва технологияларнинг сони ва жорий этиш қўламини кенгайтириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши икки ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини илмий жамоатчилик ва аҳоли орасида кенг ёритиш бўйича **2020 йил якунига қадар** чиқишлар ва тематик телекўрсатувлар ташкил этиш мақсадида тегишли давлат органлари ва муассасаларининг Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига бириктирилишини таъминласин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 29 октябрь  
ПФ-6097-сон.

## ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\*

Мамлакатда пул-кредит, валюта, солиқ ва ташқи савдо сиёсати соҳаларида тadbиркорлик фаолиятини юритиш учун қўлай шароитлар яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, экспертларнинг баҳолашлари ва тadbиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилаётган сўровлар иқтисодиётдаги яширин айланманинг, айниқса, савдо ва умумий овқатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, турар жой хизматларини кўрсатиш каби соҳаларда юқори даражада сақланиб қолаётганлигидан далолат беради, бу эса виждонли тadbиркорларнинг иқтисодий манфаатларига путур етказмоқда, улар учун тенг бўлмаган бизнес юритиш шартларини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тadbиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан тартибга солиш ва маъмурий юкни камайтириш ҳисобига тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш мақсадида:

### 1. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан:

а) 2022 йил 1 январгача бўлган муддатга умумий овқатланиш соҳасидаги кичик тadbиркорлик субъектларининг банк карталари ва контакtsiz тўловлардан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан олинган даромадлари умум-белгиланган солиқларни тўлашга мажбурий тартибда ўтиш мақсадида умумий даромадга киритилмаслиги тартиби жорий этилади;

б) ризолторлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 25 фоиздан 13 фоизгача пасайтирилади;

в) қурилиш корхоналарига ҳисобот даври учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди жами миқдорининг 10 фоиздан ошмаган ҳажмда (ижтимоий солиқ суммасини ҳисобга олмаганда) иш ҳақини нақд пулда тўлаш ҳуқуқи билан шартнома тузмасдан муддатли равишда ишчилар ёллашга рухсат берилади. Бунда:

қурилиш ташкилотлари белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқнинг тўланишини таъминлайди, шунингдек, ҳар ойда шартнома тузмасдан ёлланган ишчиларга тўланган нақд пул миқдорини кўрсатган ҳолда уларнинг реестрини давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилиб боради;

давлат солиқ хизмати органлари қурилиш ташкилотлари томонидан тақдим этилган реестрлар асосида солиқ тўловчиларни автоматик равишда идентификация қилади ва тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисобга олиншини таъминлайди.

Белгилансинки, шартнома тузмасдан ишга ёлланган шахсларга ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар рўй берган тақдирда ҳодимларни ижтимоий ҳимоя қилишни назарда тутувчи қонун ҳужжатлари нормалари татбиқ этилади.

### 2. Қўйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

ҳўжалик юритувчи субъектларга корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда товарларни (хизматларни) шартнома тузмасдан сотиб олишга рухсат берилади, бироқ бунда

электрон счё-фактуралар ёки онлайн-касса машиналарининг чеклари мажбурий равишда олинсини шарт;

2022 йил 1 январгача шундай тартиб ўрнатилганки, унга мувофиқ, давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ аудити тайинланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилади;

сайёр солиқ текширувлари давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда солиқ текширувларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда унинг тартиб-таомилларини тўдан соддалаштириш, шунингдек, текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширишни кўзда тутган ҳолда солиқ текширувларини ўтказиш тартибини белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда – Махсус комиссия) 1-иловага\*\* мувофиқ таркибда, яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда – ҳудудий комиссиялар) 2-иловага\*\* мувофиқ намунавий таркибда ташкил этилсин.

Яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан қуйидагилар Махсус комиссиянинг асосий вазифаси этиб белгилансин:

бизнеснинг «сосядан» чиқшини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, солиқ режими соддалаштириш ҳамда нақдсиз тўловларни кенгайтириш чораларини кўриш; қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шакланган бизнес юритиш амалиётига мослаштириш;

солиқ ва божхона маъмуриятчилиги воситалари ҳисоб ва тушумларнинг тўлиқлигига, шу жумладан солиқлардан бўйин товлаган жисмоний ва юридик шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишга қаратилишини таъминлаш;

яширин иқтисодиётга қарши курашиш фаолиятини «пулни ювиш»га қарши курашиш соҳасидаги ташкилотлар фаолияти билан мувофиқлаштириш;

очиклик ва шаффофликни таъминлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашишга кенг жамоатчиликни, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, жамиятда яширин иқтисодиётга муросасизлик ҳиссини шакллантириш, легал бизнес юритишнинг нуфузини ошириш.

4. Жойларда қуйидаги тadbирларни мувофиқлаштириш ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тadbиркорларга фаолиятини қонунийлаштиришда ва зарур рухсатномаларни олишда ёрдам бериш, шунингдек, улар билан профилактика ишларини олиб бориш;

\*Ўшбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 31.10.2020 йилдан кучга кирди.

\*\*Фармонга 1–9-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотта» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.

яширин иқтисодиётнинг шаклланишига олиб келадиган сабаблар ва омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

ноқонуний олиб қилинган ёки контрафакт товарларни, шунингдек, юк ташвиш хужжатларисиз мамлакат ичида ҳаракатланаётган товарларни сотишга қарши курашиш;

биринчи навбатда акцизоти махсулотларни ноқонуний ишлаб чиқариш, сотиш ва сақлаш ҳолатларини аниқлаш орқали давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва даромадларни яшириннинг олдини олиш;

аввало қурилиш объектларида ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги норасмий меҳнат фаолиятини юритиш, шунингдек, иш ҳақини «конвертда» тўлаш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш.

5. Худудий комиссиялар:

икки ҳафта муддатда ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ва масъул органлар ҳамда ташкилотларни белгиланган ҳолда «йўл хариталарини ишлаб чиқсин» ва қўллаётган натижаларни кўрсатган ҳолда уларни Махсус комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этсин;

ҳар чоракда яширин иқтисодиётга қарши курашишни такомиллаштириш бўйича таклифларни Махсус комиссияга кўриб чиқиш учун киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига «йўл хариталари»да назарда тутилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши ҳамда худудлар даражасида яширин иқтисодиётни қисқартириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

6. Махсус комиссия (Ж.Қўчқоров) 2021 йил 1 февралга қадар масъул вазирлик ва идораларнинг иши сифатли ташкил этилишини таъминлаб ҳамда бизнес ҳамжамияти, хорижий ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда **2021–2025 йилларда яширин иқтисодиётни қисқартириш стратегиясини** ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясиغا киритсин.

7. Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишда вазирлик ва идораларнинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда солиқ ва боғжона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича «йўл харита»си 3-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Махсус комиссия яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш бўйича, шу жумладан «йўл харитаси»да кўзда тутилган чора-тадбирларга доир таклифлар муҳокама қилинишини таъминласин, шунингдек, ҳар ой эришилган натижалар бўйича ҳисоботларни эшитиб борсин.

Вазирлик ва идораларнинг раҳбарлигига «йўл харитаси»нинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

8. Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар:

ўзини ўзи банд қилган шахслар ва ҳунармандлар томонидан ҳамда умумий оқватларни пунктларидан сотиладиган товарлар ва хизматлар учун аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда контактсиз технологияларнинг жорий этилишини таъминласин;

банкматлар ва кўп функцияли ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминаллари тармоғини кенгайтирсин ва уларнинг сонини 10 минггача етказсин;

ҳалқаро молия институтларининг техник ёрдами билан жалб қилган ҳолда, **нақдсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини** ишлаб чиқсин.

9. Давлат солиқ кўмитаси ва Молия вазирлигининг онлайн касса машиналарининг чекларида акс эттирилган QR-код ёки фискал белги асосида совринли ўйинларни ўтказиш бўйича Тошкент шаҳрида амалга оширилган **экспериментни**, кўзда

тутилган бюджет ажратмалари доирасида 2020 йилда республиканинг барча худудларида **амалга ошириш** тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

10. Давлат солиқ кўмитаси:

**а) бир ой муддатда** шундай тартиб жорий қилсинки, унга мувофиқ, назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларидан фойдаланиш бўйича сайёр текширувлар солиқ тўловчилар кесимидаги чораклик режа-жадвал асосида амалга оширилиши мумкин ҳамда текширув натижалари ва улар бўйича солиқ низоларини кўриб чиқиш натижалари эълон қилиб борилади;

**б) икки ой муддатда:**

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кирувчи давлатларнинг солиқ идоралари ўртасида солиқ маълумотларининг автоматлаштирилган алмашинувиغا Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Давлат солиқ кўмитаси раисининг яширин иқтисодиётни қисқартириш масалалари бўйича доимий маслаҳатчиси – чет эллик мутахассисни танлов асосида жалб қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси худудида сотилаётган товарлар ва хизматларни таснифлаш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**в) тадбиркорлик субъектлари ўртасида тўлов терминаллари ва онлайн назорат-касса машиналаридан фойдаланмасдан фаолиятни амалга оширганлик учун жавобгарлик чоралари тўғрисида мунтазам равишда**, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини олиб борсин.

11. Қуйидагилар Ҳисоб палатасининг қўшимча вазифалари сифатида белгилансин:

яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш;

худудий комиссиялар томонидан 2021–2025 йилларда яширин иқтисодиётни қисқартириш стратегияси ҳамда қабул қилинган «йўл хариталари» амалга оширилишини назорат қилиш;

давлат бошқарув органларида, шунингдек, устав фондида (устав капиталда) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган муассаса ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали ички назорат тизимлари жорий қилинишини таъминлаш чоралари амалга оширилишини назорат қилиш;

яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиб бориш.

12. Ҳисоб палатаси тизимасида бошқарув ходимлари штат бирликлари доирасида Иқтисодиётда яширин айланмани камайтириш ва бюджет даромадларининг қўшимча манбаларини аниқлаш шубҳаси ташкил этилсин.

13. Давлат солиқ кўмитаси 2021 йил 1 апрелгача 4-иловага\*\* мувофиқ реал вақт режимида қўшимча маълумотлар алмашинувини таъминлайдиган идораларга апарат мажмуасини фойдаланишга топширсин.

14. Давлат солиқ кўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказини (кейинги ўринларда – Марказ) замонавий сервер ускуналари ва тегишли дастурий таъминот билан ташкилланган тезлаштириш ва бирламчи қўшимча жиҳозлаш мақсадида Молия вазирлиги 2020 йилда Давлат солиқ кўмитасига республика бюджетининг ортиқча бажарилган даромадлари ҳисобидан 100 миллиард сўмгача бўлган миқдорда маблағ ажратсин.

Давлат солиқ кўмитаси ва Молия вазирлиги Марказни модернизация қилиш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари ходимларининг малакасини ошириш

учун Жаҳон банкининг имтиёзли кредитини жалб қилишни тезлаштирсин.

Марказни жихозлаш учун белгиланган тартибда шакллантирилган рўйхатта мувофиқ олиб қириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, дастурий ва моддий-техник воситалар 2022 йил 1 январга қадар божхона божидан озод қилинсин.

Давлат солиқ қўмитасига, истисно тариқасида, Марказни жихозлаш учун ускуналарни, дастурий ва моддий-техник воситаларни лойиҳалаштириш, етказиб бериш ва ўрнатиш, шунингдек, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олиш ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан шартномалар (контрактлар) тузишга рўхсат берилсин.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Кудбиев зиммасига Марказни жихозлаш учун зарур ускуналар, дастурий ва моддий-техник воситалар хариди жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, харид жараёнлари натижаларини эълон қилиш юзасидан жавобгарлик юклатилсин.

15. Тегишли вазирлик ва идораларнинг умумий штат бирлиги доирасида:

а) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тарихида – **Яширин иқтисодий таҳлил қилиш бошқармаси** ташкил этилсин, таҳлиллар ўтказиш ва яширин фаолият даражаси юқори бўлган иқтисодий соҳаларини аниқлаш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

б) Давлат солиқ қўмитаси тарихида:

**Солиқ назорати департаменти** ташкил этилсин, юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш, қўшилган қиймат солиғи билан боғлиқ фирибгарлик схемаларини аниқлаш ва агрессив солиқ режалаштиришга қарши курашиш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

2021 йил 1 июлдан бошлаб махсус таркибий бўлинма ташкил этилсин, солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш ва аниқлаш, шунингдек, қўшилган қиймат солиғи занжирини шакллантиришда контрагентлар ўртасида ҳисоб-китобларни таҳлил қилиш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

в) Молия вазирлигида – **яширин иқтисодий таҳлил қилиш ишларини ташкил этиш бўлими** тузилсин, унга Махсус комиссиянинг ишчи органи вазифалари ҳам юклансин.

16. 2020 йил 1 ноябрдан давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ходимлари сони 1 154 штат бирлигига ёки 10 фоизга қисқартирилсин.

Давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 10 512 штат бирлиги, шу жумладан Давлат солиқ қўмитасининг марказий аппаратида – 498 штат бирлиги этиб белгилансин.

17. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси 5-иловага\*\* мувофиқ;

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг тузилмаси 6-иловага\*\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларининг тузилмаси 7-иловага\*\* мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекцияларининг тузилмаси 8-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

18. Давлат солиқ қўмитаси раисига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарур ҳолларда марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларнинг, шунингдек, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг тасдиқланган тузилмаларига бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

бўйсунувидаги ҳўжалик ҳисобидаги ташкилотлар ходимлари сонини белгилаш, уларнинг тузилмасини, штат бирликларини, шу жумладан бошқарув ходимларининг штат бирликларини, иш ҳақи фондини, харажатлар сметасини, транспорт воситаларининг лимитини тасдиқлаш, шунингдек, уларнинг мол-мулкни тасарруф этиш.

19. Белгилансинки, давлат солиқ хизмати ва божхона хизмати органларининг мансабдор шахслари назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фақат солиқ, божхона ва валюта қонунчилигига риоя қилишга доир текширувларни ўтказиш учун ҳафтасига 16 иш соатидан кўп бўлмаган муддатда жалб қилиниши мумкин.

20. Махсус комиссия (Ж.Кўчқоров) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тадбиркорлар ва аҳолини қонуний бизнес юритишнинг нуфузини ошириш ва ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахсларга нисбатан муросясизлик ҳиссини тарғиб қилишга жалб этиш бўйича «медиа-режа»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 9-иловага\*\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

22. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ.*

*Тошкент ш.,  
2020 йил 30 октябр  
ПФ-6098-сон.*

## РЕКЛАМА



# «СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини такдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Та.д.иммаржон кўч., 1/1.

Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

**2020 ЙИЛНИНГ III ЧОРАГИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ»  
ҲАМДА «НОРМА МАСЛАХАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН  
МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ**

<i>T/p</i>	<i>Меъёрий ҳужжатнинг номи</i>	<i>Санаси, рўйхат рақами</i>	<i>Газета сони</i>
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ</b>			
1	Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 29 июнь, ПФ-6013-сон	27-сон «СБХ»
2	Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида	2020 йил 29 июнь, ПҚ-4761-сон	27-сон «СБХ»
3	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 1 июль, ПҚ-4771-сон	27-сон «СБХ»
4	Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 6 июль ПФ-6019-сон	28-сон «СБХ»
5	Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилги-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 10 июль ПҚ-4779-сон	28-сон «СБХ»
6	Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида	2020 йил 8 июль, ПФ-6021-сон	29-сон «Норма маслаҳатчи»
7	Ер ресурслари ва давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 15 июль, ПФ-6027-сон	29-сон «Норма маслаҳатчи»
8	«Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини ҳамда Наманган вилоятидаги кичик саноат зоналарини ривожлантиришни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 14 июль, ПҚ-4782-сон	29-сон «Норма маслаҳатчи»
9	Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий оқватланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 20 июль, ПФ-6029-сон	30-сон «Норма маслаҳатчи»
10	Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида	2020 йил 23 июль, ПФ-6033-сон	30-сон «Норма маслаҳатчи»
11	Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 30 июль, ПФ-6038-сон	31-сон «СБХ»
12	Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида	2020 йил 23 июль, ПФ-6033-сон	32-сон «СБХ»
13	Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 3 август, ПҚ-4796-сон	32-сон «СБХ»
14	Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ( <i>Кўчирма</i> )	2020 йил 4 август, ПҚ-4797-сон	32-сон «СБХ»
15	Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 7 сентябрь, ПФ-6061-сон	37-сон «СБХ»
16	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 7 сентябрь, ПҚ-4819-сон	37-сон «СБХ»
17	Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 15 сентябрь, ПҚ-4829-сон	38-сон «Норма маслаҳатчи»
18	Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 22 сентябрь, ПФ-6065-сон	39-сон «СБХ»
19	Табийий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 24 сентябрь, ПҚ-4840-сон	39-сон «СБХ»
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ</b>			
1	Цемент импорти тартибини соддалаштириш ҳамда ички бозорни сифатли цемент билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 23 июль, 450-сон	30-сон «Норма маслаҳатчи»

<i>T/p</i>	<i>Меъёрий ҳужжатнинг номи</i>	<i>Санаси, рўйхат рақами</i>	<i>Газета сони</i>
2	Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун кулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 10 июль, 433-сон	32-сон «СБХ»
3	Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 30 июль, 460-сон	32-сон «СБХ»
4	Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 14 август, 489-сон	33-сон «СБХ»
5	Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 14 август, 489-сон	34-сон «СБХ»
6	Ваколатли иқтисодий операторлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	2020 йил 24 август, 500-сон	35-сон «СБХ»
7	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	2020 йил 24 август, 507-сон	35-сон «СБХ»
8	2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 29 август, 526-сон	36-сон «СБХ»
9	Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 4 сентябрь, 539-сон	37-сон «СБХ»
10	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги ҳузурида Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида	2020 йил 21 сентябрь, 573-сон	39-сон «СБХ»
11	Якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва қайта қуриш учун ипотека кредити ажратишнинг соддалаштирилган тизимини жорий қилиш тўғрисида	2020 йил 21 сентябрь, 576-сон	39-сон «СБХ»
12	Озиқ-овқат саноати соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 23 сентябрь, 581-сон	39-сон «СБХ»

#### ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

<i>T/p</i>	<i>Меъёрий ҳужжатнинг номи</i>	<i>Ҳужжатни тасдиқлаган орган</i>	<i>Санаси, рўйхат рақами</i>	<i>Газета сони</i>
1	Ўзбекистон Республикасида товар-хом ашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) норезидент бўлган юридик шахсларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР ДСҚ	2020 йил 18 июнь, 3245-сон	27-сон «СБХ»
2	Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР ДСҚ	2020 йил 18 июнь, 3247-сон	27-сон «СБХ»
3	Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР ДСҚ	2019 йил 30 июнь, 3256-сон	28-сон «СБХ»
4	Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида	ЎзР ДСҚ	2020 йил 30 июнь, 3251-сон	29-сон «СБХ»
5	Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралар»ни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МВ	2020 йил 30 июнь, 3259-сон	29-сон «СБХ»
6	Маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортда ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида ( <i>Кўчирма</i> )	Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссияси	2020 йил 30 июнь, 3257-сон	29-сон «Норма маслаҳатчи»

## ДИККАТ, ОБУНА!

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ 2021 йил учун обуна кампаниясини бошлаб, муштарийларга «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарига



## ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ишончли маслаҳатчингиз бўлмиш газеталарингизни мунтазам равишда олиб туришингиз учун биз сизга мазкур сонда чоп этилаётган оммавий офертамаздан фойдаланган ҳолда 2021 йилга обунани расмийлаштиришни таклиф этамиз.

## ОБУНАЧИЛАР УЧУН БОНУСЛАР

186, 172 индекслари остидаги босма нашрларга йиллик обунани расмийлаштирган обуначилар бонуслардан фойдаланган ҳолда куйидаги имкониятларни қўлга киритадилар:

- 1) «Norma» ўқув марказининг 2 та семинари ва 12 та вебинарида иштирок этиши;
- 2) «Norma» ўқув марказининг семинарлари (иккитадан ташқари) ва курсларида 30%лик чегирма билан ўқиши;
- 3) «Жавоб берамиз» хизматининг экспертларидан бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, меҳнат қонунчилиги ва хўжалик ҳуқуқи масалалари бў-



йича 12 та оғзаки ва 4 та ёзма маслаҳатларни олиши;

4) «Gorod sidok» дисконт дастурининг ҳамкор ташкилотлари (кафе ва рестороанлар, дўкон ва сервис марказлари) да иш, рўзғор ва оила учун товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашда қатъий белгиланган сийловлар олиш ҳуқуқини берадиган «Нормальная карта» дисконт картасидан фойдаланиши;

5) «RoYtaxt» радиоси орқали ўз раҳбарингиз ёки бош бухгалтерингизни таваллуд кунлари билан кутлаш имконияти (FM 103,5 – ўзбек тилида ёки FM 107,2 – рус тилида – танловга кўра).

Кўшимча маълумотларни (78) 147-11-72 телефони ва [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтидан олиш мумкин.

## ОММАВИЙ ОФЕРТА

10. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи нашрларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта бўлими билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар янги манзилга етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.
11. Тахририят нашрлар чиқарилишига қараб хар ой якуни бўйича Обуначига электрон хисобаварак-фактура тақдим этади. Обуначи хар ойда тақдим этилган электрон хисобаварак-фактураларни улар олинган пайтдан бошлаб 5 (беш) календарь кун мо-байнида тасдиқлаши шарт.
12. Акцепт муддати 2020 йил 25 декабрдан қи-либ белгиланади. Агар Тахририят томонидан Ак-цепт ва пул маблағлари ушбу муддатдан кечроқ олин-ган бўлса, Шартнома тузилмаган деб ҳисобланади, Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юза-га келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуна-чига қайтарилади.
13. Шартнома шартларини бажармаганлик ёси до-зим даражада бажармаганлик учун Тарафлар ўзбе-кистон Республикасининг қонуни ҳужжатларига му-вофиқ жавобгар бўлади.
14. Обуначи томонидан Акцептда унинг манзили нотўғри кўрсатилганлиги сабабли нашрларни етказ-иб бериш юзасидан Шартнома шартлари бажарил-маганлиги учун Тахририят Обуначи олдида жавоб-гар бўлмайди.
15. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаган-лик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилганидан кейин, Тарафлар олдин-дан кўра олманган, оқилона чоралар билан олдини-ополмаган ҳаётда тўғри натижага олишга қарамай, о-дда енгил бўлмас куч қўлатилган (форс-мажор) бош-ланishi оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўл-майди.
16. Форс-мажор ҳолатларининг бошланганлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошлан-ган пайтдан бошлаб 7 (етти) иш кунли мобайнида хабардор қилишлари керак.
17. Мазкур Шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни Та-рафлар музокаралар йўли билан, шу жумладан та-лабнома юбориш йўли билан ҳал этадилар. Кели-шмовчиликларни ҳал қилишда низо суд тартибда шунга эришилмаган тақдирда низо суд тартибда ҳал этилади.
18. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш муд-дати – 2020 йил 25 декабрдан.
19. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:  
«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ  
100105, Тошкент ш., Тағлимаржон кўчаси, 1/1  
Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш.,  
Навоий кўчаси, 22  
Х/р: 2020 8000 3008 7382 7001.  
Тошкент ш. «KDB Bank Uzbekistan» банкда МФО  
00842  
СТИР 305504530, ИФУТ 58130  
КҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди:  
326010039431.  
Тел./факс (78) 147-11-72.
- Фарход ҚУРБОНБОЕВ,  
«NORMA DAVRIY NASHRLARI»  
МЧЖ директори.

1. «NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ, бун-дан кейин Тахририят деб юритилади, мазкур так-лиф билан Тошкент шаҳри ёки республика ми-ни-страли раҳбарлигида жойлашган (истикомаат қилдиган), куйида таклиф қилинаётган шартларни тўлашти-ришга (Узи таллаш нашрларни ҳисобга олган ҳол-да) ва сўзсиз қабул қилишини билдирадиган шахс (бундан кейин – Обуначи) билан мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2021 йилга обуна шартномасини (бундан кейин – Шартнома) ту-зишга тайёр эканлигини билдиради. Тахририят ва Обуначи кейинги ўринларда биргаликда Тарафлар деб номланади.

2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шахс бўйича тўлдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманомана-акцепт (бундан кейин – Акцепт) жўнатиш йўли билан мазкур оммавий офер-та шартлари бўйича обуна бўлишига розилиги ҳақи-да Тахририятни хабардор қилади. Акцептнинг барча устувлари тўлиқ, қисқартирилмас, аниқ-равшан, босма харфлар билан тўлдирилиши керак. Акцепт (78) 147-11-72 факси, [obuna@norma.uz](mailto:obuna@norma.uz) электрон поч-таси орқали жўнатилиши ёки Тахририятга Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй манзили бўйича келти-риб берилиши мумкин.

Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.  
3. Тахририят 2021 йил учун Акцептда кўрсати-лган нашрларга (Обуначининг танловига кўра) обу-на килиш мажбуриятини, Обуначи эса уни расми-йлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Шартнома Тахририят Акцептнинг олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва кучга ки-ради ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилишига қадар амал қилади.

5. Обуначи обуна киймати мазкур Шартнома-нинг шартларига мувофиқ 2020 йил 25 декабрьдан кечикмасдан тўлаши шарт.

6. Обуна кийматини тўлаш шартлари: Обуначи то-монидан Тахририят ҳисоб-китоб рақамига пул маб-лағларини (Акцептга биноан белгиланадиган тў-ловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақини юз фоиз (100%) олдиндан тўлаш. Тўлов Тах-ририят кассасига нақд пул билан ҳам амалга оши-рилиши мумкин.

7. Тахририят унинг ҳисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан на-зарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб туш-ганидан кейин, Тахририятда Обуначидан келган Ак-цепт мавжуд бўлганда, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

8. Тахририятда почта бўлимига орқали респу-блика доирасида Обуначига у томонидан Акцепт-да мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ кайд этилган нашрларнинг навобатдаги сон чиқishi билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни таш-кил қилади.

9. Нашрлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб бери-лмаган тақдирда, Обуначи тетишли почта бўлимига мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши таъ-минланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабар-дор қилиши шарт.

Т/р	Меъёрий ҳужжатнинг номи	Ҳужжатни тасдиқлаган орган	Санаси, рўйхат рақами	Газета сони
7	Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияни (Истанбул, 1990 йил 26 июнь) қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР ДБҚ	2020 йил 30 июнь, 3264-сон	31-сон «СБХ»
8	Аҳолига ипотека кредитлари ажратилишининг ҳадли шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МБ Бошқаруви	2020 йил 30 июнь, 3269-сон	31-сон «СБХ»
9	Йўл ҳаракати қридаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	ЎзР ИИБ	2020 йил 15 июнь, 195-сон	32-сон «СБХ»
10	Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қридаларини тасдиқлаш тўғрисида	ЎзР МБ Бошқаруви	2020 йил 31 август, 3281-сон	37-сон «СБХ»

#### БОШҚА АХБОРОТ

Номи	Тайёрлаган орган	Газета сони
2020 йилнинг II чораги учун хорижий валюталар расмий курсининг Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан динамикаси	-	27-сон «Норма маслаҳатчи»
2020 йилнинг II чорагида «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати	-	28-сон «СБХ»
Коронавирус пандемияси даврида умумий овқатланиш корхоналари учун имтиёзлар ҳақида («Умумий овқатланиш корхоналари учун солиқ имтиёзлари»)	Norma	32-сон «СБХ»
Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар учун SMS-Pensiya интерактив хизмати ҳақида («Пенсия миқдорини билишни хоҳлайсизми? Бу жуда осон!»)	ПДК	32-сон «Норма маслаҳатчи»
Хайрия жамғармаларига ва ёрдамга муҳтож жисмоний шахсларга берилган пул маблағлари бўйича солиқ имтиёзлари ҳақида («Хайрия бўйича имтиёзлар қандай қўлланилади»)	Norma	35-сон «СБХ»
Хизматларни реализация қилишда ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришда янгиликлар ҳақида («Хизмат кўрсатишда ҳисобварақ-фактура қандай расмийлаштирилади»)	Norma	36-сон СБХ
Янги 4-сон БҲМСнинг ТМЗ харид қилишда олинган чегирмалар тўғрисидаги 16-банди бўйича тушунтириш («Чегирмаларни қандай қилиб тўғри ҳисобга олиш мумкин»)	Norma	38-сон «СБХ»
Ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш журнални юритиш тўғрисида тушунтириш («Қимлар ҳисобварақ-фактуралар ҳисоби журнални юритади»)	Norma	38-сон «СБХ»

#### РЕКЛАМА

**«КИЧИК КОРХОНА  
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

## ҚУРИЛИШ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРИ БЎЛМАГАНДА

Қурилиш соҳасида ушбу фаолият тури асосий ҳисобланмаган корхоналар фаолият юритиши мумкин. Мазкур ҳолатда қандай қилиб даромадларни тўғри аниқлаш ва уларга айланмадан олинadиган солиқни солиш юзасидан «Norma» компанияси эксперти Дилором САИДОВА тушунтириш берди.

– Ташкилот қурилиш асосий фаолият тури ҳисобланмаган тақдирда ҳам қурилиш хизматларини кўрсатишга ҳақли. Мазкур ҳолатда қурилиш хизмат-

ларидан олинadиган даромад ёрдамчи пудратчи ташкилотлар томонидан ба- жарилadиган ишлар қийматини чегирмаган ҳолда аниқланади.

**МИСОЛ.** Ишлаб чиқариш корхонаси 2020 йилнинг IV чорагида қуйидаги даромадларга эга бўлган:

тайёр маҳсулотни реализация қилишдан даромад – 150 млн сўм;  
қурилишдан олинган даромад (шартнома бўйича) – 50 млн сўм, шу жумладан ёрдамчи пудратчи ташкилотга 30 млн сўм тўланган.

1. Ҳисобот чораги учун асосий фаолият турини аниқтаймиз:

Фаолият тури	Даромад суммаси	Умумий ҳажмдаги улуши
Ишлаб чиқариш	150 000 000	75%
Қурилиш	50 000 000	25%
Жами	200 000 000	100%

2020 йилнинг IV чораги учун асосий фаолият тури ишлаб чиқариш (75%) ҳисобланади.

2. Қурилиш асосий фаолият тури бўлмаганлиги сабабли қурилиш хизматларини кўрсатишдан олинган эсामी даромадни (50 млн сўм) ёрдамчи пудратчи ташкилотга тўланган хизматлар ҳақини чегирмаган ҳолда солиқ солинадиган даромадга киритамиз.

Ҳисобот чораги якуни бўйича қурилишдан олинган даромад устун бўлмаганда, сиз қурилиш ташкилоти бўлмай туриб қурилишдан олинган даромадларни ёрдамчи пудратчи ташкилот хизматларига оид харажатларни чегирган ҳолда тан олган бўлсангиз (50 – 30 = 20 млн сўм), ёрдамчи пудратчи ташкилот хизматлари суммасини солиқ базасига киритишингиз лозим.

**?** Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхонамиз лок-бўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқариши ва реализация қилиши билан шуғулланади. Яқинда хорижий корхона 1366-сон Низомга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ҚҚСсиз харид қилинишини айтиб, уларга маҳсулотимизни ҚҚСсиз реализация қилишни сўраб мурожаат қилди. Ушбу корхона Ўзбекистон корхонаси ва «Hyundai Engineering Co. Ltd» таркибидagi Консорциум ўртасида тузилган бош шартнома бўйича ишларни бажариш учун маҳсулотимизни харид қилмоқчи бўляпти.

Корхонамиз лок-бўёқ маҳсулотларини хорижий корхонага ҚҚСсиз реализация қилишга ҳақлими?

## ТОВАРЛАРНИ ҚҚСсиз РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

– Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинадиган ва қафолатланадиган қарз маблағлари ҳисобига халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва сотиб олинadиган товарлар (ишлар, хизматлар)га солиқ солиш тўғрисида Низомда (AB томонидан 24.05.2004 йилда 1366-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ҚҚСсиз со்தиб олиниши белгиланмаган.

Низомнинг 4-бандида шундай дейилган:

«Ўзбекистон Республикасининг ХМИ ва ХХМТ билан тузилган қарз шартномаси Низомда қарз маблағлари ҳисобига харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олишда солиқлар (йиғимлар) ва божхона тўловларидан озод этиш шартлари бўлса, бундай ҳолларда шундай халқаро шартномаларнинг талаблари қўлланилади.

Бундай меъёр ХМИ ва ХХМТдан олинган қарз маблағлари ҳисобига импорт қилинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)га татбиқ этилади».

Яъни ХМИ ва ХХМТ қарз маблағлари ҳисобига товарларни ҚҚСсиз харид қилиш муайян қарз битимининг Низомига боғлиқ бўлади.

Бу ҳақда Солиқ кодексида ҳам қайд этилган. ХМИ ва халқаро ҳукумат ташкилотларининг қарз маблағлари ҳисобига харид қилинадиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмалар, агар қарз битимида ҚҚСдан озод этилиши назарда тутилган бўлса, ҚҚС тўлашдан озод этилади (СК 243-м. 1-қ. 23-б.).

ҚҚСдан озод қилишни қўллашингиз учун хорижий корхона томонидан ишлар бажарилиши учун қарз ажратиш бўйича қарз шартномасини ўрганиб чиқишингиз лозим.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти

«Norma Davlati Nashrlari» МЧЖ оммавий офертасига  
ИЛОВА

**БЮРОТМАНОМА-АКЦЕПТ**  
2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

(Обуғчининг тахассус ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтказилган эъвозномасига мувофиқ ташкилий-ҳудудий шакли бўлмаган тўғри номи) \_\_\_\_\_

(Қўрғаста (таъдбир шартномаси, ҳотия, Низом ва б. шартнома)) \_\_\_\_\_

(Обуғчининг асосий қисмига) \_\_\_\_\_

ТИМСОЛИДА,

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2020 йил 3 ноябрдаги 44 (1368)-сонда эълон қилинган оммавий оферта шартларини тўғри қабул қилиши тўғрисида маълум қилди ҳамда 2021 йил учун қуйидаги наشريрга обуға бўлади:

Индекс	Наشريнинг номи	2021 йил учун обуға нархи (тўлов ҳудуди) МҲТЭҚМда	Қўрғаста нархи (фонд)	Умумий сўма (сўм)
186	«Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма маълумотлари» газеталари (Йилга 52 сон)	2,3		
184	«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси (Йилга 52 сон)	1,6		
197	«Норма маълумотлари» иқтисодий-ҳудудий газетаси (Йилга 52 сон)	1,2		
172	«Надоговые и таможенные вести» ва «Норма» газеталари (Йилга 52 сон)	2,3		
165	«Надоговые и таможенные вести» газетаси (Йилга 52 сон)	1,6		
173	«Норма» иқтисодий-ҳудудий газетаси (Йилга 52 сон)	1,2		

2. Тўлаш учун умумий сўма ҚҚС билан \_\_\_\_\_ сўмни ташкил қилади.

3. Етказиб бериш учун манзил (босяма ҳарфида билан аниқ қилиб тўғрилади): \_\_\_\_\_ (қўрғаста ва ёзу билан кўрсатилади)

Минтақа / Вилоят \_\_\_\_\_, шаҳар/туман, \_\_\_\_\_

Муъжат \_\_\_\_\_ (шаҳарча, ҳўжжат, кўчма, даъва, мавзе, ул, кв, қона)

4. Бўғчининг учун телефон: \_\_\_\_\_

5. Алоқа боғловчи шахс: \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

Обуғчи рекевизитлари: \_\_\_\_\_

СТАР \_\_\_\_\_

ИФУТ \_\_\_\_\_

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: \_\_\_\_\_

Почта манзили \_\_\_\_\_

Телефон \_\_\_\_\_

Факс \_\_\_\_\_

Х/р \_\_\_\_\_

Хизмат кўрсатувчи банк \_\_\_\_\_


Банк коди \_\_\_\_\_

Полна индекс \_\_\_\_\_

(Фавқулоқдаги мансабдор шахс қисми, тўғри қилинганда, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

М.У.





# ВАҚТИНЧА ОЛИБ ЧИҚИШГА РАСМИЙЛАШТИРИНГ

**?** Корхонамиз қўшни республикадаги компаниялардан бирига 3 йилга вагонни ижарага бериб, бунинг учун ҳақ олмоқчи. Шундай қилсак бўладими? Бу операцияни божхонада қандай қилиб тўғри расмийлаштирса бўлади? Ижара мuddати тугагандан кейин ижарага олувчининг хоҳишига кўра бу вагонни унга сотиб юборсак бўладими?

– Бўлади. Бунинг учун олиб чиқилган товарни вақтинча олиб чиқиш божхона режимида расмийлаштириш зарур бўлади. Вақтинча олиб чиқиш божхона режими шундай режимки, бунда божхона ҳудудида эркин муомалада турган товар ушбу ҳудуддан ташқарида вақтинча фойдаланиш мақсадида, божхона божлари ва солиқлар тўланишдан шартли равишда озод этилган, иктисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда олиб чиқилади.

Товарни мазкур режимга жойлаштириш Божхона кодекси 21-бобининг қоидаларига мувофиқ божхона органи томонидан берилган рухсатнома асосида амалга оширилади (БК 36-м.).

Товарни мазкур режимга жойлаштириш куйидаги талаблар ва шартларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

- вақтинча олиб чиқилаётган товарнинг божхона органлари томонидан идентификациялашни амалга ошириш мумкинлиги;
- агар товар ваколатли органлар томонидан назорат қилиниши лозим бўлса, ушбу органларнинг рухсатномалари божхона органларининг ахборот тизимида мавжудлиги;
- товарни вақтинча олиб чиқиш божхона режимида жойлаштирилган шахс Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси ёхуд ваколатли давлат органларида аккредитация қилинган чет эллик шахс бўлиши керак.

Божхона ҳудудидан вақтинча олиб

чиқилган товар ўзгармас ҳолатда қолиши керак (БК 37-м.).

Товарни вақтинча олиб чиқиш божхона режимида жойлаштириш учун декларант божхона органига БЮД ва товарнинг кузатув ҳужжатларини тақдим этади.

Рухсат этиш хусусиятига эга тегишли ҳужжатлар бўлган тақдирда вақтинча олиб чиқилган товарларга нисбатан божхона органларининг ахборот тизимида бундай ҳужжатларнинг мавжудлигини божхона органи мустақил равишда текширади (БК 38-м.).

Товарларни вақтинча олиб чиқиш божхона режимида жойлаштириш рухсатномаси амал қилиш мuddати чекланмаган ҳолда берилди. **Товарни вақтинча олиб чиқиш мuddати товар вақтинча олиб чиқиш божхона режимида жойлаштирилган санадан эътиборан 2 йилни ташкил этади.**

Товарларнинг, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ҳамда чет давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ўртасида ижара шартномалари асосида вақтинча олиб чиқилган темир йўл ва ҳаво транспорти воситалари, шунингдек уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган транспорт ускуналарининг вақтинча олиб чиқиш мuddати божхона органи томонидан ваколатли шахснинг аризаси асосида 2 йилдан кўпроқ мuddатга узайтирилиши мумкин.

Бунда вақтинча олиб чиқиш мuddати ижара шартномаси мuddатла-

**Маълумот учун.** Божхона юк декларациясини тўлдирши тартиби тўғрисидаги йўриқномага (АВ рақами 2773, 6.04.2016 й.) мувофиқ вақтинчалик олиб кириш божхона режимида жойлаштиришида БЮДни тўлдирши чоғида:

- 44-«Кўшимча маълумотлар/тақдим этилаётган ҳужжатлар» графасида 303 тартиб рақами остида ижарага олинган товарлар вақтинчалик олиб кирилганда БЮДда ижара шартномаси тўғрисидаги маълумотлар (рақами, тузилган санаси ва амал қилиш мuddати) кўрсатилади;
- 47-«Божхона тўловларининг ҳисоби» графасида божхона божлари ва солиқлар суммасини ҳисоблаб чиқишида «ТУ» (тўлов усули) графасининг 5-устунида «УН» (божхона тўловларининг шартли ҳисобланиши) ҳарфли коди қўйилади;
- 50-«Ишонч билдирган шахс» графада кўшимча равишда вақтинчалик олиб кириш божхона режимида қўйилган товарлар қайтариб олиб чиқиб кетилиши ёхуд бошқа божхона режимида ўтказилиши керак бўлган мuddат куйидаги шаклда кўрсатилади: «20 \_\_\_\_» «\_\_\_\_» «\_\_\_\_» гача товарларни қайтариб олиб чиқиб кетиш ёхуд бошқа божхона режимида ўтказиш мажбуриятини оламан».

ридан келиб чиққан ҳолда белгиланади (БК 39-м.).

Вақтинча олиб чиқилган товар вақтинча олиб чиқиш мuddати тугайдиган кундан кечиктирмай божхона ҳудудига қайтариб олиб кирилиши керак.

**Ваколатли шахс товарни божхона ҳудудидан ташқарида қолдирган ҳолда уни бошқа божхона режимида жойлаштириш йўли билан вақтинча олиб чиқиш божхона режимида тугаллаш мумкин,** бундан божхона тўғрисидаги қонуни ҳужжатларига мувофиқ вақтинча олиб чиқилган товар божхона ҳудудига олиб кирилиши шарт бўлган ҳоллар мустасно. Бундай ҳолда вақтинча олиб чиқиш божхона режимида тугаллашга товарни божхона органига амалда тақдим этмаган ҳолда йўл қўйилади.

Вақтинча олиб чиқиш божхона режими экспорт божхона режимида ўзгартирилган тақдирда товарнинг божхона киймати ва миқдори товар вақтинча олиб чиқиш божхона режимида жойлаштирилган кундаги ҳолатга кўра белгиланади, божхона божлари ва солиқларнинг ставкалари эса, товарни экспорт божхона режимида жойлаштириш тўғрисидаги божхона декларацияси божхона органи томонидан рўйхатдан ўтказилган кундаги ҳолатга кўра белгиланади.

Вақтинча олиб чиқиш божхона режими белгиланган мuddатда ту-

галланмаган тақдирда, товарнинг олиб чиқишдаги божхона кийматидан ва (ёки) миқдоридан ҳамда товарни вақтинча олиб чиқиш божхона режимида жойлаштириш маълум қилинган кунга амалда бўлган божхона божлари ва солиқлар ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган божхона божлари ҳамда солиқлар тўланади.

Вақтинча олиб чиқиш божхона режими БКнинг 39-моддасида белгиланган мuddатда тугалланмаслигига куйидаги ҳолларда йўл қўйилади:


- авария ёки енгиб бўлмаган куч таъсири оқибатида товарларнинг йўқ бўлиши ёки бутунлай йўқ бўлиб кетиши;
- товарлар турган чет давлат органларининг қарорлари ёки мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида товарларнинг ваколатли шахс эгалигидан чиқиб кетиши.

Товарларнинг йўқ бўлишига ёки мутлақо йўқолиб кетишига сабаб бўлган ҳолатларни тасдиқлаш мажбурияти божхона режими талаблари ва шартларига риоя этилишига масъул шахсларнинг зиммасига юклатилади. Чет давлатлар ҳудудида юзага келган ҳолатлар ЎЗРнинг чет давлатлардаги дипломатия ва консуллик муассасалари томонидан ёки ҳудудда мазкур ҳолатлар содир бўлган давлатнинг ваколатли органлари томонидан тасдиқланади (БК 41-м.).

## Ҳужжат тили билан

Товарнинг ўзгармас ҳолати товар божхона режимида жойлаштирилган пайтдаги барча хоссаларининг божхона режими амал қилишининг тугалланиши пайтда ўша ҳажмларда бут сақланиб қолишидир, бундан товарнинг табиий тарзда эскириши ёки уни ташиши ва (ёки) сақлашнинг нормал шароитларида камийиши оқибатида рўй берган ўзгаришлар мустасно.

Божхона кодекси, 10-м.



## РАҚАМЛИ БОЖХОНА ВА ИНТЕГРАЦИЯ

ЎЗР Давлат божхона қўмитаси билан РФ Федерал божхона хизмати ўртасида 13.12.2012 йилдаги Қадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ жорий йилнинг 22–23 октябрь кунлари ФБХнинг Россия божхона академияси томонидан ташкиллаштирилган «Евроосиё интеграциясини чуқурлаштириш шароитида божхона маъмуриятчилигининг истиқболлари» XII халқаро илмий-амалий конференция доирасида ЎЗР ДБК Божхона институти видеоконференция режимида «Рақамли божхона ва унинг ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги пленар сессияни ўтказди.

Тадбирнинг мақсади – ташқи иктисодий фаолиятни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини таҳлил қилиш, божхона маъмурият-

чилигини такомиллаштиришнинг инновацион ёндашувлари ва истиқболли йўналишларини кўриб чиқиш ҳамда таълим соҳасидаги ҳамкор-

ликни ривожлантириш имкониятларини муҳокама қилиш бўлди.

Конференция ишида МДҲга аъзо давлатлар божхона хизматининг мансабдор шахслари, божхона иши ва ташқи иктисодий фаолият соҳаси мутахассислари, шунингдек, Белорусия Республикаси Божхона органлари ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти, Рига техника университети ва Россия божхона академиясининг илмий-педагогик ходимлари иштирок этди.

ДБК Ахборот хизмати.

**?** Илтимос, реэкспорт чоғида божхона қиймати қандай белгиланиши хусусида айтиб берсангиз. Реэкспорт вақтида ЎзР ҳудудида қилинган барча харажатлар божхона қийматига киритилиши қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган?

## РЕЭКСПОРТ ЧОҒИДА БОЖХОНА ҚИЙМАТИ

— Дастлаб ёддан чиқармайликки, реэкспорт божхона режимида божхона ҳудудига илгари олиб кирилган товар ёхуд божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарни қайта ишлаш маҳсулоти божхона ҳудудидан божхона божлари ва солиқлар тўланмаган, товарга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда, Божхона кодексининг 35-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса, уни олиб киришда тўланган божхона божлари ва солиқлар суммалари қайтарилган ҳолда олиб чиқилади (БК 32-м.).

Илгари олиб кирилган товарларни ўзгармас ҳолатда божхона ҳудудидан олиб чиқишда божхона қиймати товарнинг у олиб кирилган пайтдаги божхона қийматининг ҳамда божхона ҳудудида қилинган харажатларнинг йиғиндиси сифатида аниқланади. Уларга, шу жумладан, божхона расмийлаштируви ва божхона тўловларини тўлаш (товарлар реэкспорт қилиниши муносабати билан қайтарилиши керак бўлган тўловларни чегирилган ҳолда), товарларни сақлаш, суғурталаш учун қилинган харажатларнинг, божхона ҳудудида қилинган бошқа харажатларнинг йиғиндиси ҳам қиради (БК 315-м.).

Олиб чиқиладиган товарнинг божхона қийматини аниқлашда битимнинг баҳосига қуйидаги харажатлар киритилади, агар бу харажатлар битимнинг баҳосига киритилмаган бўлса:

а) товарни божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган жойгача етказиб бериш харажатлари:

- транспортда ташиш қиймати;
- товарларни юклаш, тушириш, қайта юклаш ва тушириш-ортиш харажатлари;
- суғурталаш қиймати;

б) сотувчи томонидан қилинган харажатлар:

- воситачилик ва брокерлик ҳақи, бундан товарни харид қилиш бўйича воситачилик ҳақи мустасно;
- контейнерларнинг ва (ёки) бошқа кўп марта ишлатиладиган идишларнинг қиймати, агар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасига мувофиқ уларга баҳоланаётган товар билан бир бутун деб қаралса;

• ўров-жойлашнинг қиймати, шу жумладан ўраш-жойлаш материалларининг ва ўраш-жойлаш ишларининг қиймати;

в) интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун сотиб олувчи баҳоланаётган товарни сотиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита тўлаши керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар;

г) сотувчининг баҳоланаётган товарни кейинчалик божхона ҳудудидан ташқарида хар қандай тарзда қайта сотиш, ўтказиш ёки ундан фойдаланишдан олдинги бевосита ёки билвосита даромаднинг бир қисми.

Битимнинг баҳосига қўшилиладиган кўрсатилган компонентлар тегишли товарлар, ишлар ва хизматлар (ташиш, суғурталаш, сертификатлаштириш, брокерлик хизматлари) учун ҳақ тўланганлиги тўғрисида ваколатли шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатлар (ҳисобварақ-фактуралар, тўлов топшириқнома-лари, чеклар) асосида аниқланади (БК 316-м.).

## МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ХУСУСИДА

**?** Хорижий мамлакатларнинг мувофиқлик сертификатларини тан олиш масалалари қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинишини айтиб беришингизни илтимос қиламан.

1. Президентнинг «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (12.12.2018 йилдаги ПФ-4059-сон) 1-банди билан 2019 йил 1 январдан хорижий мамлакатларнинг сертификатларини тан олиш тартиби белгиланди.


Ҳужжатга биноан Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ташкилоти (ILAC) ва Халқаро аккредитация қилиш форуми (IAF) тўлақонли аъзолари ҳисобланган давлатларнинг сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари ёки синов баённомалари тақдим этилганда, устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан кўп миқдорда бўлмаган тадбиркорлик субъектлари (эркин иқтисодий зона-лар иштирокчилари бундан мустасно) ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб қирадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ихтисослашган ва кишлоқ хўжалиги техникаси, технологик ускуналар ва уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, шунингдек, мажбурий сертификатланиши лозим бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ноозиқ-овқат хом ашё, материаллар ва буюмлар мажбурий сертификатлаштиришдан озод қилинади.

Миллий ўлчаш эталонлари ва миллий метрология институтлари томонидан бериладиган калибрлаш ва ўлчаш сертификатларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги келишувни (CIPM MRA) имзолаган мамлакатларнинг Миллий метрология органлари томонидан расмийлаштирилган амалдаги калибрлаш (ёки текшириш) сертификатлари тақдим этилганда, ўз эҳтиёжлари учун технологик жараёнларда фойдаланиладиган импорт бўйича олиб қирадиган ўлчаш воситаларини метрологик аттестациялаш (турини тасдиқлаш) соддалаштирилган тартибда, бир кун муддатда тан олиш тартиботлари йўли билан амалга оширилади.

**Маълумот учун.** Тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб қирадиган ўлчаш воситаларига мувофиқлик сертификатини тақдим этмаган ҳолда, уни божхона ҳужжатлари расмийлаштирилган кундан бошлаб 2 ой давомида ўрнатилган тартибда олиш шартли билан божхона ҳужжатларини расмийлаштиришга йўл қўйилади.

Шу билан бирга ПҚ-4059-сон қарорнинг 2-бандида мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган соддалаштирилган тартибда олиб қирадиган товарларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг мақсадли ишлатилишига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб қираётган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари масъул ҳисобланиши белгиланган.

Соддалаштирилган тартиб, давлат божхона хизмати органларига (шу жумладан учинчи шахслар томонидан) товарлар уларни ишлаб чиқариш



эҳтиёжлари учун олиб қираётган тадбиркорлик субъекти томонидан уларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун мақсадли ишлатилиши тўғрисидаги мажбуриятлари, шунингдек, ўрнатилган тартибда божхона ҳужжатлари расмийлаштирилган кундан бошлаб 2 ой давомида ўлчаш воситаларини сертификатлаштириш амалга оширилиши кўзда тутилган кафолат хати тақдим этилиши шартли билан қўлланади.

Соддалаштирилган тартибда олиб қирадиган товарлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат Давлат солиқ кўмитаси ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Давлат божхона хизмати органлари, божхона ҳужжатлари расмийлаштирилгандан сўнг 3 кун муддатда соддалаштирилган тартибда олиб қирадиган товарлар импорти тўғрисида идораларро ахборот алмашинуви воситаси орқали ДСҚ ва «Ўзстандарт» агентлигига маълумот тақдим этади.

2. Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (29.06.2018 йилдаги ПҚ-3818-сон) 3-банди билан 2018 йил 1 сентябрдан Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларнинг аккредитациядан ўтган органлари томонидан мувофиқлик сертификатлари берилган, Ўзбекистон Республикасига олиб қираётган товарларга нисбатан мажбурий мувофиқлик сертификатлаштиришни амалга ошириш талаб этилмайди-ган тартиб белгиланган.

**Маълумот учун.** 2020 йил 1 августдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турлари (истеъмол қадокларига эга бўлмаган товарлардан ташқари) ишлаб чиқарувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида (лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида) маркировка қилинмаган тақдирда, мазкур товарларга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш таққиланди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Пиротехника воситаларининг муомаласи тартибга солинган, бундай товарларни контрабанда йўли билан олиб келиш қонун ҳужжатлари билан чекланганига қарамай, ҳар йили пақ-пуқчиларнинг мавсуми янги «гайрат-шижоат билан» такрорланаверади. Шунинг учун халқимиз «Яхшига – бир қамчи, ёмонга – минг қамчи» деган гапни бежиз айтмаган экан.

ПАҚ-ПУҚ ЯНА БОШЛАНДИМИ

ёки яхшига – бир қамчи,  
ёмонга – минг қамчи экан-да...

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ходимлари вилоят ДХХ ва Жиззах вилояти божхона бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда Жиззах вилоятининг Пахтакор тумани ҳудудида пиротехника маҳсулотларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш борасида тезкор тадбир ўтказишди.

Тадбирда тезкор кузатувга олинган, «Ласетти» автомашинасини бошқариб келаётган Т.Т. келишилган жойга бориб тўхтади ва сотиш мақсадида олиб келинган пиротехника воситаларини шартли харидорга бераётган вақтида қўлга олинди. Автомашинанинг салон ва юкхонаси кўздан кечирилганда хоризда ишлаб чиқарилган, божхона расмийлаштирувидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган тахминий қиймати 97 млн сўм бўлган 120 004 дона пақилдоқлар борлиги аниқланди.

Бошқа ҳолатда С.Н. бошқарувидаги «Спарк» автотранспорт воситаси кузатувга олинди ва ҳаракатдан тўхтаб, йўл четига тўхтаган вақтида кўздан кечирилди. Натжида автомашинанинг саломи ва юкхонасида хоризда ишлаб чиқарилган, божхона расмийлаштирувидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган, қарийб 21,6 млн сўмлик 18 062 дона пиротехника воситалари борлиги маълум бўлди.

Одамлар тинчини бузиши мумкин бўлган ушбу воситалар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди ва ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.



КЎНГИЛ ОЗОРДАДУР

БЛОКАТОРЛАР ЙЎЛИГА ҒОВ БЎЛИБ...

Сирдарёда 113 млн сўмдан ортиқ тиббиёт буюмларининг ноқонуний айланмаси олди олинди

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда Сирдарё тумани ҳудудида тезкор тадбир ўтказди.

Тадбир давомида М-39 автойўлининг Тошкент–Гулистон йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган С.Б. бошқарувидаги «Кобальт» автомашинаси тўхтатилди. Автотранспортнинг салон ва юкхонаси кўздан кечирилганда 7 та қоғоз қутиларга жойлаштирилган, хоризда ишлаб чиқарилган, божхона расмийлаштирувидан ўтганлиги-

ни тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, тахминий қиймати 113 млн сўмдан ортиқ тиббиёт воситалари ва коронавирусга қарши блокаторлар борлиги аниқланди. Тиббиёт буюмлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ҳозирда ҳолат юзасидан божхона органлари суриштирув ишларини олиб бормоқда.

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

ЭЪЛОН



ҲУРМАТЛИ ТАШҚИ ВА ИЧКИ АУДИТОРЛАР ВА БУХГАЛТЕРЛАР!

СИЗНИ «ЭНГ ЯХШИ АУДИТОР-2020», «ЭНГ ЯХШИ БУХГАЛТЕР-2020», «ЭНГ ЯХШИ ИЧКИ АУДИТОР-2020» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВЛАРИДА ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

- ✓ Биринчи тур – 2020 йил 23 октябрдан 15 ноябргача.
- ✓ Иккинчи тур – 2020 йил 30 ноябрь. Биринчи тур ғолиблари Тошкент шаҳрида ёзма имтиҳон топирадилар.

Танлов ғолиблари 2020 йил 9 декабрда Бухгалтерлар ва аудиторлар куни эълон қилинади.

- ✓ Танловнинг 1-босқичи иштирокчиларига танловда қатнашгани учун сертификат берилади.
- ✓ Танловнинг 2-босқичи иштирокчилари «Танлов лауреати» дипломи билан тақдирланадилар.

Соврилар:  
⇒ биринчи ўрин «Ноутбук»,  
⇒ иккинчи ўрин «Планшет»,  
⇒ учинчи ўрин «Смартфон».

Танловда қатнашиш учун сиз:

1. НТМ«АУДИТ-ФОРВАРД» хисобрақамига тўлов кундаги базавий ҳисоблаш миқдорига тенг бўлган бир мартали тўловни тўлашингиз.
2. Тўлдирилган АНКЕТАНИ НТМ«АУДИТ-ФОРВАРД» офисига юборишингиз керак.
3. Биринчи босқичнинг ТЕСТ САВОЛЛАРИГА жавобларни 2020 йил 15 ноябргача [auditpalata@mail.ru](mailto:auditpalata@mail.ru) почтасига юборинг.

Тел.: 95 169 55 89.

ЭЪЛОН

«Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилди!

Савдога «Hududga Surxondaryo» газ таъминоти филиали тасарруфидаги, Термиз шаҳар, Камолот кўчаси, 10-уйда сақланаётган, қуйидаги таъмиртабавтотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1. «Тико» русумли, д/р 75/509QAA, 2000 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 1 665 000 сўм. 2. «Элдош» русумли, д/р 75/114AA, 2008 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 842 201 сўм. 3. «Газ-52» русумли, д/р 75/934FAA, 1989 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 3 364 000 сўм. 4. «Элдош» русумли, д/р 75/219AA, 2011 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 842 201 сўм. 5. «Ваз-2108» русумли, д/р 75/446FAA, 1986 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 2 166 000 сўм. 6. «Элдош» русумли, д/р 75/317AA, 2008 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 842 201 сўм. 7. «Газ-5201» русумли, д/р 75/042HAA, 1990 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 3 642 000 сўм. 8. «Элдош» русумли, д/р 75/075AA, 2011 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 842 201 сўм. 9. «Газ-52» русумли, д/р 75/336GAA, 1988 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 3 737 000 сўм. 10. «Газ-31029» русумли, д/р 75/821YAA, 1990 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 1 474 000 сўм. 11. «Элдош» русумли, д/р 75/316AA, 2008 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 842 201 сўм. 12. «Газ-5208» русумли, д/р 75/709FAA, 1989 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 3 737 000 сўм. 13. «Элдош» русумли, д/р 75/108AA, 2008 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 842 201 сўм. 14. «Элдош» русумли, д/р 75/211AA, 2008 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 842 201 сўм. 15. «Элдош» русумли, д/р 75/134AA, 2008 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 842 201 сўм. 16. «Газ-52» русумли, д/р 75/297KAA, 1988 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 3 737 000 сўм. 17. «Элдош» русумли, д/р 75/441AA, 2008 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 842 201 сўм. 18. «Газ-31029» русумли, д/р 75/726GAA, 1993 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 1 474 000 сўм. 19. «Элдош» русумли, д/р 75/311AA, 2008 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 842 201 сўм. 20. «Элдош» русумли, д/р 75/367AA, 2008 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 842 201 сўм. 21. «Элдош» русумли, д/р 75/233AA, 2008 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 842 201 сўм. 22. «Элдош» русумли, д/р 75/842AA, 2008 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 842 201 сўм. 23. «Тико» русумли, д/р 75/298RAA, 1999 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 1 665 000 сўм. 24. «Зил-130» русумли, д/р 75/038JAA, 1985 йилда и/ч, бошланғич баҳоси – 5 199 000 сўм.

Аукцион савдо 2020 йил 4 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Мазкур мулк 2020 йил 4 декабрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2020 йил 21 декабрь, 2021 йил 6, 21 январь, 5, 22 февраль, 11, 26 март, 12, 28 апрель, 13 ва 28 май кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган санадан бир иш кунини олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топишган шахсга 10 банк иш кунини ичига сотувчи билан олин-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юқлилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловлар амалга ошириш мuddати олдин-сотиш шартномаси тузилганда белгиланади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нуسخаси, вакиллар учун ишоннома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташиқловчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «СММ» МЧЖнинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидаги қуйидаги хисобрақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729. Ариза (талабнома)ларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Баркамол авлод кўчаси, 19-уй. Телефон: (0376) 223-15-82. 972-сонли сувоҳрама.



Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета

ТАЪСИСЧИ

«Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
Фарҳод Собирович  
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –  
Бош муҳаррир уринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Саҳифаловчи  
Наталья  
БАРАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўча, 1/1  
ТЕЛЕФОН/ФАКС  
Тахририят: (71) 200-00-90;  
E-mail: sbx@norma.uz,  
gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини etkazib бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қроғ бичими – АЗ. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма г-115. Адади 615. Газета 2020 йил 2 ноябрь соат 17.00 да топирилади.